



MILLIY TIKLANISH

6 (171)

2012 йил 15 февраль, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари

Омбудсман фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши тўғрисидаги шикоят ва мурожаатларни кўриб чиқиш ҳамда уларни ҳимоя қилишдан иборат. Ҳисобот йилида бу йўналишда институтга фуқаролардан ўн бир мингдан зиёд мурожаат келиб тушган.



Маънавий юксалиш маскани

Халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва эришилган ютуқларни улғайиб келаётган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларда халқимиз аъёналарига нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотишга кўмаклашиш партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан бири саналади.



Замонавий таълим

Таълим сифатини ошириш мақсадида турли мамлакатлар, халқаро ваколатхоналар билан кўп тарафлама ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда. Кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорликнинг халқаро ҳуқуқий базаси яратилмоқда, қўшма таълим тузилмалари, ўқитувчи кадрлар алмашиш кенг тус олмақда.

2 ЎзМТДП — ДАСТУРИ АМАЛДА

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

5 ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ХАБАРЛАР

Истиқболли ҳамкорлик самараси

Пекин шаҳрида "Ўзбекистон-Хитой: маданий-гуманитар ҳамкорлик истиқболлари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Маданият ва санъат арбоблари, академиклар, жамоат ташкилотлари вакиллари, расмий ва дипломатик доиралар, халқаро ташкилотлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этган тадбир доирасида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Хитойдаги ҳамкорлар ўртасидаги икки томонлама маданий ҳамкорлик масалаларига бағишланган маърузалар, тақдиротлар ташкил этилди. "Фонд Форум: фуқаролик жамияти амалий модели варианты" нашрининг тақдироти эса барчада катта қизиқиш уйғотди. Мазкур нашр ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган бўлиб, унда жамғарма томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ва дастурлар, уларнинг амалий натижалари, келгусидаги истиқболли фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилган.

Дўстлик тароналари

Тошкент фотосуратлар уйида Ўзбекистон-Япония алоқаларининг 20 йиллигига бағишланган "Дўстлик тароналари" концерт дастури бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Бадиий академияси, Халқаро Маданият Карвонсаройи (ХМК) ва Япония элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган концерт дастурида ХМК қошида ташкил этилган "Буюк Ипак йўли навалари" классик мусиқа тўғрагининг ҳаваскор қатнашчилари ижросида ўзбек, япон, рус ва италян тилларида қўшиқлар янгради. Чиз Айзава томонидан ижро этилган С.Юдаковнинг "Дугоналар" қўшиғи, Шукур Фафуров ижросидаги В.Моцартнинг "Дон Жуан" операсидан ария ҳамда Шидзуко Кори ва Жунко Оно ижросидаги М.Бурхоннинг "Баҳор қўшиғи" томошабинларга унутилмас лаҳзаларни ҳаёга этди.

Зардўзлик кўргазмаси очилди

Ўзбекистон Амалий санъат музейида "Зар-ла тиккан зардўзим" деб номланган кўргазма очилди.

Кўргазмага хунармандлар сулоласининг тўртинчи авлоди, зардўз уста, "Ташаббус-2003" кўрик-танловининг ғолибаси Махфуза Салимова томонидан яратилган санъат намуналари қўйилган. Булар: зардўзлик дўппилари, нимчалар, аёллар ва эркеклар тўнлари, оёқ кийимлари, катта-кичик паннолар, елпигичлар, ғилофлардир. Махфуза Салимова Буюк Британия, Швейцария, АКШ, Япония ва Хитой каби дунё мамлакатларида ўтказилган кўргазмаларда қатнашиб, Бухоро зардўзлик мактаби санъатини намойиш қилган.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ОЛДИДАН



Таълим тизимини модернизациялаш

Йўлидаги КОРПОРАТИВ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

XXI асрда инсон маънавий қиёфасини билим, салоҳият ва истеъдод белгилайдик, бунининг қадрини баланд кўтарган жамиятдагина таъминлаш мумкин. ЮНЕСКО таснифига кўра, Ўзбекистон аҳолиси қарийб мутлоқ саводхонликка эга бўлган энг ёш мамлакатлардан бири саналади. Зеро, ҳар бир шахснинг ўз қобилиятини намоён қила олиши учун тўлақонли имкониятлар яратиш асосида фаровон турмуш кечиришлари эришиш — мустақил давлатимиз тараққиёт йўлининг пировард мақсадларидан биридир.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш долзарб масалалардан бирига айланди. Бу борада юртимизда бевосита Президентимиз Ислам Каримов бошчилигида иқтидорли ёшларнинг ўз қобилият ва салоҳиятларини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

5-бет

СИЁСИЙ ҲАЁТ

Партия қурилишининг долзарб масалалари

ЎзМТДП ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИДА БЎЛИБ ЎТГАН ҲАЁТ-СЕМИНАРДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

2010 йил 12 ноябрь кунини бўлиб ўтган парламент палаталарининг қўшма мажлисида мухтарам Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да белгиланган вазифалар, гоҳ ва мақсадлар Ўзбекистон сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини тубдан ўзгартириб, уни янги босқичга олиб чиқмоқда. Концепцияга мувофиқ 2011 йил апрель ойида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.



Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият органларининг амалдаги қонунлар талабларига риоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим дастурларини бажариши борасидаги фаолияти устидан парламент, депутатлик гуруҳлари ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича ҳокимиятнинг вакиллик органлари, сиёсий партиялар ролини, ваколатларини кучайтиришнинг муҳим омил бўлди, деб айтишимиз мумкин.

ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашида юқорида номлари тилга олинган ҳужжатларда бел-

гиланган вазифалардан келиб чиқиб партия қурилиши ва партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган ҳаёт-семинар бўлиб ўтди. Ҳаёт-семинар Марказий Кенгаши, пойтахт партия ташкилоти кенгаши аъзолари, ЎзМТДП Тошкент шаҳар туманлари кенгашлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, партия девонлари масъул ходимлари, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" вакиллари ҳамда партия фаоллари иштирок этишди.

2-бет

ФРАКЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар вакиллари, ҳуқуқшунос ва экспертлар, партиянинг Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгаши вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари

УНИ ТАЪМИНЛАШ ЎЗМТДП ДАСТУРИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИГА МОСДИР

Фракция аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тингладилар.

2-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



ЎзМТДП — ДАСТУРИ АМАЛДА

● ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Электорат манфаати

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРДАН ФАОЛЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ



(Давоми.
Боши 1-бетда)

Дарҳақиқат, агар миллий қонунчилигимиз тадрижга назар ташладиган бўлсак,

ди. Шу боис Президентимиз 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришнинг устувор вазифа ва йўналишларини белгилаб берди.

Аввало шуни таъкидлаш кераки, муҳтарам Юртбошимиз томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мустақилликнинг илк даврларидан бошланган ва босқичма-босқич давом эттирилаётган эркин фуқаролик жамияти сари ташланган яна бир улкан қадам

истеъфо эса Вазирлар Маҳкамаси таркибининг ялпи истеъфосини англатади. Демак, ижро ҳокимиятида суи бўғининг бўлмаслигидан барча бирдек манфаатдор бўлади. Бу эса ўз навбатида юрт ва халқ манфаатлари учун тинимсиз ишлаш, ишлаганда ҳам самарали ишлаш механизмини вужудга келтиради.

Бош вазир номзодининг сайловларда Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлган сиёсий партиялар томонидан тақдим этилиши, унинг Парламент томонидан кўриб чиқиши ва тасдиқлаштириш ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши каби бир қатор янгиланишлар мамлакатимизни ислох этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради. Бу, албатта, осон ёхуд ўз-ўзича амалга ошадиган жараён эмас. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бу аввало, кўп жиҳатдан сиёсий партияларнинг етуқлик даражасига, уларнинг шу жараёнга қанчалик тайёрлиги ёхуд муносиб эканлигига боғлиқ.

Юртимизда амалга оширилаётган бу каби ислохотлар ўз навбатида сиёсий майдонда миллий манфаатларнинг ҳимоячиси сифатида фаолият юритишни ўзининг асосий мақсади, деб билган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, шунингдек, парламентдаги партиямиз фракцияси аъзолари зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Масалга айнан шу нуқтаи назардан ёндашганимизда ҳар бири сиёсий партиялар энди Бош вазир номзодини кўрсатиш

мустақиллигимизнинг илк даврида "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги каби бир қатор ўта муҳим қонунлар қабул қилинганини кўрамиз. Иккинчи томони, доимий асосда ишлайдиган Қонунчилик палатасининг самарали фаолияти учун ҳали профессионал сиёсатчи ва ҳуқуқшунослар етарлича эмас, кўппартиявийлик тизими тўлиқ шаклланмаган, жамиятда сиёсий партиялар сезиларли таъсир кучига эга бўлиши лозим эди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган қисқа давр мобайнида сиёсий партиялар муайян тажрибага эга бўлди. Улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди: "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги, "Нодавлат ношаролат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ва улар фаолиятини янги босқичга кўтарган, бир қатор муҳим ваколатлар берган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун қабул қилинди. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, мустақиллик даврида босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг мустақамланиши давлат ҳокимиятининг урта субъёкти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланиши заруриятини вужудга келтир-

Бугунги глобаллашув жараёни, тобора чуқурлашиб бораётган мураккаб геосиёсий вазият, айниқса, халқаро майдонда айрим мамлакатларнинг фақат ўз манфаати нуқтаи назаридан туриб сиёсат юритиши, қолаверса, умумий ғоямиз, ЎзМТДП дастурида белгиланган мақсадлар фракциямиз олдида улкан вазифаларни қўймоқда.

ваколатига эга бўлди. Бу эса сиёсий партияларни энг шимариб ишлаш, халқ ишончини қозониш, улар манфаатларини йўналтириш ва ҳимоя қилишга ундамоқда. Бу масаланинг яна бир томони эса шундан иборатки: "Ўзбекистон Республикаси Бош вазирли Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади". Шунингдек, у Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этиши лозим. У ижро ҳокимиятининг барча бўғинларини самарали фаолият олиб боришига жавобгар шахс ҳисобланади. Акс ҳолда унинг истеъфого чиқиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу

лар турганлигини ҳис қилиш қийин эмас. Бугунги глобаллашув жараёни, тобора чуқурлашиб бораётган мураккаб геосиёсий вазият, айниқса, халқаро майдонда айрим мамлакатларнинг фақат ўз манфаати нуқтаи назаридан туриб сиёсат юритиши, қолаверса, умумий ғоямиз, ЎзМТДП дастурида белгиланган мақсадлар фракциямиз олдида улкан вазифаларни қўймоқда.

Муҳтарам Президентимизнинг сиёсий партиялар фаолиятига нисбатан билдирган танқидий фикр ва эътирозларига асосланиб айтиш жоизки, сиёсий партиялар вакиллари мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларни фақат қўллаб-қувватлаш билан чекланиб қолмасдан бугун дунё миқёсида кечаётган минтақавий ва глобал муаммоларга оммавий ахборот воситалари орқали партиянинг нуқтаи назарини, кенг жамоатчиликка таъсир қилаётган ўз мулоҳаза ва муносабатларимизни ҳам билдириб боришимиз зарур.

Арслон ЭШМУРДОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Ўқув-семинарда маъруза қилган партия раҳбари А.Турсунов ЎзМТДП ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари фаолиятини Концепция талаблари асосида янада кучайтириш, партия қурилишини замонавий тизимга ўтказишни жадаллаштириш, энг муҳими, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар мазмунининг босқичга кўтариш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Хусусан, электоратимизни қандай масала-муаммолар уйлантираётганлигини доимий равишда мониторинг қилиб бориш, фракция аъзолари сайловчилар билан ўрашувлар чоғида жойларда партиямиз сайловолди Платформасида кўзда тутилган вазифалар қандай амалга оширилаётганлигини ўрганиши ва улар ҳам электоратимиз манфаатларига қаратилган масалалар бўйича таҳлилий ҳулосаларга эга бўлишлари кераклигига уруғ берилди.

Сиёсий партиялар ва улардан номзодлари кўрсатилиб сайланган барча даражадаги депутатларга бериллаётган қонуний ваколатлар зиммасига улкан масъулият ҳам юклатилиши ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Бу учун энг аввало, ташаббускор, масъулиятни ҳис қиладиган, замонавий дунёқараш ва билимларга эга кадрлар захирасини шакллантиришимиз ҳамда шу орқали партиянинг интеллектуал салоҳиятини оширишимиз зарур. Партия ташкилотлари девоқлариде ишлаётган масъул кадрларни танлашнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш, ҳаётга татбиқ этишимиз лозим. Яна бир муҳим вазифа—партия фаолияти бошқарувини такомиллаштириш, турли бўғиндаги партия ташкилотлари ўртасида ўзаро ахборот алмашувини тезлаштириш ва кучайтиришдан иборат.

Партиямиз сафини изланувчан, ташаббускор, ғоя ва мақсадларимизга ишонган фуқаролар ҳисобига доимо тўлдириб бориш асосий вазифаларимиздан бири эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Айни вазифани амалга оширишда айниқса туман, шаҳар ва бошлангич партия ташкилотлари зиммасида алоҳида масъулият мавжуд. Бугунги кунда партиямизнинг 120 мингдан зиёд аъзоси бор. Шундан 50 мингга яқини олий маълумотга эга, 55 минг нафари 30 ёшгача бўлган йилгит-қизлар, ярмига яқини эса хотин-қизлар ташкил этади. Шу ўринда, бирор бир фуқарони партия сафига қабул қилиш эмас, партияга аъзо бўлган шахсни сиёсий фаол, мустақиллик ва партия ишига садоқатли, ғоя ва мақсадларимизга чин дилдан хизмат қиладиган шахсга айлантириш муҳим эканлигини айтиб ўтиш жоиз, деб

● СИЁСИЙ ЎҚУВ

Партия қурилишининг долзарб масалалари

ЎзМТДП ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИДА БЎЛИБ ЎТГАН ЎҚУВ-СЕМИНАРДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

алоҳида таъкидланди анжуманда.

Маълумки, сиёсий партиянинг бутун иш фаолияти пировард натижаси электорат манфаатларига нечоғлик хизмат қилганлиги билан ўлчанади. Партиямизнинг ғоя-мақсадлари кенг омма орасига чуқур кириб бориши ва шу орқали хайрихоҳларимиз сафини кенгайтириш учун тадбирлар ўтказиш, кадрларимиз салоҳиятини ошириш учун ўқувлар ташкил қиламиз, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ишлари билан шуғулланамиз. Бу ишларимизнинг барчаси сайлов жараёнида ҳокимиятнинг вакиллик органларидан кўпроқ жой олиш орқали партиямиз электорати манфаатларини йўлга қўйиш, ҳимоя қилишга қаратилган. Муҳтасар айтганда, бутун партиявий фаолиятимиз асосини партия ижтимоий қатлами манфаатларига хизмат қилиш ташкил этади. Ҳўш, биз бу вазифани қандай амалга оширолмоқдамиз? ЎзМТДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси, барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларимизнинг бу борадаги фаолияти зиммасига олган вазифалар талабларига жавоб берадими?

Албатта, электоратимиз манфаатларига қаратилган бир қатор тадбирлар марказда ва жойлардаги партия кенгашлари томонидан мунтазам равишда ташкил қилинмоқда. Хусусан, партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси электоратимизга янада яқин бўлиш, улар билан изчил ва мустақам алоқани йўлга қўйиш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон халқ усталари, ҳунармандлари ва мусаввирларининг "Хунарманд" уюшмаси, "Олтин мерос" халқаро хайрия-жамғармаси, Ёзувчилар уюшмаси, "Оила" илмий-амалий маркази, Байналминал миллий-маданий маркази, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси, "Қағон қурбонлари" хотира музейи, Электрон оммавий ахборот

воситалари миллий ассоциацияси, "Ўзбек жанг санъати" федерацияси, "Полвонлар миллий энциклопедияси" жамияти сингари давлат ва нодавлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйди ва бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномаларини имзолади.

Ўқув-семинарда партия фаолиятини кучайтиришга қаратилган — барча даражадаги партия ташкилотлари белгиланган иш дастур ва режаларидаги вазифалар ижросини ўз вақтида бажаришини таъминлаш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз партия сайловолди Плат-

формасида кўзда тутилган вазифаларни изчиллик билан бажариш ҳамда электорат манфаатларини ҳокимиятнинг вакиллик органларида ифода этиш ва ҳимоя қилишда ўз фаолиятларини тубдан кучайтириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар билан партия ташкилотлари алоқасини мустақам йўлга қўйиш, партия ташкилотлари билан алоқани узган депутатларга нисбатан партия Устави ва белгиланган тартиблардан келиб чиқиб тегишли чора кўришни йўлга қўйиш, фаолиятимизни янада кучайтиришга қаратилган янги ғоялар ва тақлифлар бўйича тегишли ишчи гуруҳлар тузиш сингари тавсиялар ишлаб чиқилди.

Акмал РЎЗИТОВЕВ,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари:

— Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, билим ва кўникмаларини мустақамлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу боис семинарда депутатлик гуруҳлари фаолиятини Концепциядан келиб чиққан ҳолда кучайтириш, партия ҳудудий ташкилотлари фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни жадаллаштириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлар билан ҳамкорлиқни жонлантириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Ўқув давомида билдирилган қонун ижодкорлиги, амалдаги қонунларнинг жойлардаги ижроси, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини фуқаролар онгига сингдириш ҳамда таъриб қилишда мазкур семинар алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Даврон САФАРОВ,
ЎзМТДП Юнусобод туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:

— Ўқув-семинарда партия кадрлар захирасини ёш, ташаббускор, халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўя биладиган етакчи ва малакали мутахассислар билан тўлдириб бориш зарурлиги бот-бот эътироф этилди. Шунингдек, ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини муҳтарам Президентимиз Исрол Каримов илгари сурган Концепциядан келиб чиққан ҳолда ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифалари асосида янада ривожлантириш юзасидан керакли йўл-йўриқ ва маълумотларни олдиқ. Айниқса, Концепцияда белгиланган тақлиф, ғоя ва ташаббусларни кенг жамоатчилик орасида тарғиб-ташвиқ этиш, унинг мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ қилишда партия позициясидан туриб фаол иштирок этиш лозимлиги таъкидланди. Бунинг учун эса партиянинг барча даражадаги ташкилотлари, хусусан, маҳаллий кенгаш депутатлари ва БПТ фаолиятини жонлантириш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиқни мустақамлаш борасида тегишли тақлиф ва тавсиялар билдирилди. Мазкур семинар келгуси фаолиятимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

● ФРАКЦИЯ

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари

УНИ ТАЪМИНЛАШ ЎзМТДП ДАСТУРИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИГА МОСДИР



(Давоми.
Боши 1-бетда)

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан қуйи палата қўмиталари, ҳукумат, вазирликлар ва бошқа давлат органлари томонидан тақдим этилган 30 дан ортқ қонун лойиҳаларининг инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва уни ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқлигини аниқлаш учун ҳуқуқий экспертиза амалга оширилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан ўтказилаётган қонун лойиҳалари қондаларининг ҳуқуқий экспертизаси унинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларидаги бўлиқларнинг тўлдириш ва тақдирий ёки бир-бирига зид қонунларни бартараф этишга йўналтирилган.

Омбудсман фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркин-

ликлари бузилиши тўғрисидаги шикоят ва мурожаатларни кўриб чиқиш ҳамда уларни ҳимоя қилишдан иборат. Ҳисобот йилида ушбу йўналишда институт-га фуқаролардан ўн бир мингдан зиёд мурожаат келиб тушган. Фуқаролар мурожаатлари ҳусу-сияти ва уларда кўтарилаётган масалалар жамиятнинг ўзига хос кўрсаткичи бўлиб, мавжуд муаммоларни, давлат органлари ишидаги камчиликларни аниқлашда салмоқли ўрин тутди ва уларни бартараф этиш бўйича энг самарали чора-тадбирларни белгилаш имконини беради.

Йиғилишда ЎзМТДП фракцияси аъзолари Омбудсман ҳисоботини партия Дастурида белгиланган ғоя ва мақсадлар ҳамда вазифалар асосида муҳокама қилишди. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият деб тан олингани, хусусан, жамият ҳаётини ташкил қилиш ва кенг қамровли ислохотларни амалга оширишда миллий аъёнлар, қадриятлар ва маънавий мезонларга таянилаётганлиги бевосита ЎзМТДП дастурий мақсадларига мосдир. Йиғилишда бошқа рақобатчи сиёсий партиялар ва уларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияларидан фарқли ўлароқ ЎзМТДП фракцияси аъзолари қабул қилинаётган қонунларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида халқимизнинг миллий ўзига хослиги, асрлар синовидан ўтган қадрият ва урф-одатлар албатта ҳисобга олинишини ўзининг позицияси сифатида ҳимоя қилиб келмоқда. Худди шу жиҳат билан биз ЎзХДП, ЎзЛиДеП ва «Адолат» СДПдан фарқ қиламиз.

Шундан сўнг фракция аъзолари «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Йиғилиш сўнггида муҳокама қилинган масалалар юзасидан фракция нуктаи назари ишлаб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Эргаш ХЎЖАЕВ,
"Milly tikanish" мухбири

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА



Маънавий юксалиш маскани

ПАРТИЯ ХУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРИДА БЎЛИБ ЎТАЁТГАН ТАДБИРЛАРДА ОИЛАГА АНА ШУНДАЙ НУҚТА НАЗАР БИЛАН ҚАРАЛМОҚДА

*Юртимизда истиқ-
лолнинг илк кунларидан
давлатимиз раҳбари
ташаббуси ва раҳнамо-
лигида барча соҳаларда
кенг кўламли ислохот-
лар амалга оширилди.
Хусусан, кучли фуқаро-
лик жамиятини барпо
этиш, иқтисодийнинг
барқарор ўсишини
таъминлаш, аҳолининг
қонуний ҳуқуқ ва ман-
фаатларини ҳимоялаш,
фуқароларимизнинг
ижтимоий-сиёсий
фаоллигини ошириш
борасида салмоқли
қадамлар ташланди.*

Айниқса, халқимизнинг азал-
лий қадриятлари, урф-одат ва
аъёнларини тиклаш ва янада
ривожлантириш, келгуси авлод-
ларга бус-бутун етказишга ало-
ҳида эътибор қаратилмоқда.
Жорий йилнинг "Мустақкам
оила йили" деб номланиши бу
борадаги ислохотларнинг ман-
тикий давоми бўлди, деб айтиш
мумкин. Зеро, муҳтарам Юрт-
бошимиз таъкидлаганидек:

"Оила соғлом экан — жамият
мустақкам, жамият мустақкам
экан — мамлакат барқарор" дир.
Бу борада Ўзбекистон "Миллий
тикланиш" демократик партия-
си ҳудудий ташкилотлари то-
монидан қатор тарғибот тад-
бирлари ўтказилмоқда.

Халқимизнинг илмий-тарихий
меросини чуқур ўрганиш ва эри-
шилган ютуқларни ўлғайиб ке-
лаётган авлод ўртасида кенг тар-
ғиб қилиш, ёшларда халқимиз
аъёнларига нисбатан ҳурмат
туйғусини уйғотишга кўмакла-
шиш партияимиз сайловолди
Платформасида белгиланган
вазифалардан бири саналади.
Шу нуктаи назардан ЎЗМТДП
Сурхондарё вилоят Кенгаши
«Ёшлар қаноти» ва Термиз иж-
тимоий-иқтисодий касб-хунар
каби масалаларга эътибор қар-
атилди. Унда партия фаоллари,
халқ депутатлари вилоят ва ту-

ман Кенгаши депутатлари, "Ма-
ҳалла" ҳайрия жамғармаси ви-
лоят бўлими, Фуқаролик жамия-
ти шаклланишини мониторинг
қилиш мустақил институти Сур-
хондарё минтақавий бўлинма-
си, вилоят Адлия бошқармаси,
Термиз шаҳар ФХД бўлими,
"Камолот" ёшлар ижтимоий
ҳаракати вилоят Кенгаши ходим-
лари, ОАВ вакиллари ҳамда бош-
қа ташкилотлар вакиллари иш-
тирок этди.

Таъкидланганидек, жорий
йилда оила институти ва унинг
қадриятларини янада мустақ-
камлаш, ёш оилаларни ҳар то-
монлама қўллаб-қувватлаш,
аёлларнинг оила ва жамият-
даги маъқеини янада ошириш,
ёшларнинг ҳуқуқий мадания-
тини юксалтириш ва ҳар то-
монлама баркамол бўлиб воя-
га етишини таъминлашга қар-
атилган ишлар янги поғонага
кўтарилади.

— Тадбирда иштирокчиларга
оила мустақамлигига эришиш-
да ёшларнинг иштироки, оила-
да ота-она ва фарзандларнинг
бурчи, уларнинг оилавий тад-
биркорлик билан шуғулланиши
учун нималарга аҳамият қар-
атиш лозимлиги, ўзини ўзи бош-
қариш органлари, яъни маҳал-
лалар билан ҳамкорликда амал-
га оширилиши режалаштири-

лаётган масалалар юзасидан
маълумот берилди, - деди
партия вилоят Кенгаши Ижроия
Кўмитаси девони ёшлар маса-
лалари бўйича етакчи мутахас-
сиси Раъно Худойкулова. —
Шунингдек, ёшлар онгига тур-
ли салбий иллатларга қарши им-
мунитетни мустақамлаш, маз-
кур йўналишдаги тарғибот-ту-
шунтириш ишларини кучайти-
риш ва тенгдошларимизни
қизиқтирган қатор масалалар
муҳокама қилинди.

Йигилиш якунида фаол ишти-
рок этган бир гуруҳ ёшларга
партия вилоят Кенгашининг фах-
рий ёрлик ва эсдалик совғалари
топирилди.

Жорий "Мустақкам оила йи-
ли"га бағишланган яна бир тад-
бир ЎЗМТДП Беруний туман Кен-
гаши томонидан ўтказилди.
«Оилавий тадбиркорликни ри-
вожлантириш барқарор тарақ-
қийимизнинг таянчи» мавзуси-
да ташкил этилган учрашувда
партия туман Кенгаши фаолла-
ри, «Аёллар қаноти» ва бошлан-
ғич партия ташкилотлари етак-
чилари ҳамда ОАВ вакиллари
иштирок этди.

Тадбирни очган партия туман
Кенгаши Ижроия Кўмитаси раи-
си ўринбосари П.Джамуратов
мамлакатимизда оилавий тад-
биркорликни ривожлантириш
борасида ҳукуматимиз томони-
дан яратилаётган шарт-шароит
ва имкониятлар, соҳага бери-
лаётган солиқ ва молиялашти-
риш тизимидаги имтиёзлар
ҳамда туманда оилавий тадбир-
корликни ривожлантиришга
кўмаклашиш борасида ЎЗМТДП
томонидан амалга оширилаёт-
ган ишларга эътибор қаратди.

Тадбирда ЎЗМТДП Беруний
туман Кенгаши ижроия кўмита-
си хотин-қизлар масалалари
бўйича раиси ўринбосари Г.Ка-
малова маъруза қилди. Нотиқ
партияимиз асосий электроти
бўлган хунармандчилик ва каса-
начилик билан шуғулланаётган
хотин-қизларнинг оилавий тад-
биркорликни йўлга қўйиши учун
йўлга қўйиш бўйича тажриба-
лари билан ўртоқлашди.

Мазкур тадбирнинг мантикий
давоми ЎЗМТДП Наманган ви-
лоят Кенгаши ҳамда "Хунар-
манд" уюшмаси вилоят бошқар-
маси ҳамкорлигида ташкил этил-
ди. "Оилавий бизнесни ташкил
этишда партия фаолларининг
роли" мавзусидаги давра суҳ-
батда халқ депутатлари вило-
ят, туман Кенгаши депутатлари,
партиянинг туман Кенгаши ра-
ислари, фаоллар, хунармандлар
ва тадбиркорлар иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, мустақил-

лик боис мамлакатимизда оила-
вий тадбиркорлик ҳамда хунар-
мандчиликни ташкил этиш,
оилавий бизнесни ривожланти-
риш борасида кенг кўламли ис-
лохотлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда оилавий бизнесни
ташкил этишда хунармандлар-
нинг ҳуқуқий билимларини оши-
риш, "устоз-шогирд" аъёнла-
рини тиклаш, ёшларни хунар
ўрганишга кенг жалб қилиш,
уларни иш билан таъминлашга
кўмаклашиш каби масалалар
муҳокама этилди. Шунингдек,
халқ депутатлари вилоят Кенга-
шига сайланган депутатлик гу-
руҳи томонидан оилавий биз-
несни ривожлантиришга тўсиқ
бўлаётган омиллар ва ҳудудда
фаолият юритаётган хунарман-
дларни ўйлантираётган муаммо-
ларни ўрганиб, вилоят, туман
кенгаши сессияларида қўриб
чиқишга оид масалалар ҳам
қўриб чиқилди.

— ЎЗМТДП вилоят, туман Кен-
гашининг барча бўғинларига
2011 йил давомида 100 нафар-
дан ортиқ тадбиркорлик фао-
лиятини бошламоқчи бўлган фу-
қаро, 1500 нафардан ортиқ би-
тирувчи, 150 нафар "Хунар-
манд" уюшмаси аъзолари тур-
ли масалалар юзасидан муро-
жаат қилган. Шу боис, мазкур
масала юзасидан ўтган давр мо-
байнида туманларда 15 маро-
таба давра суҳбати ва учрашув-
лар ўтказилди. Тадбирлар да-
вомида ўз оилавий бизнесини
ташкил қилмоқчи бўлган фуқаро-
лар амалдаги қонун ҳужжат-
лари билан таништирилиб, ке-
ракли тавсиялар берилди. Бун-
дан ташқари вилоятдаги бити-
рувчиларни иш билан таъмин-
лашга кўмаклашиш мақсадида
хунармандчилик соҳасида
ўқиётган ёшларни уюшмага
жалб қилган ҳолда кичик биз-
несга йўналтириш бўйича чора-
тадбирлар амалга оширилди.

Давра суҳбатда битирувчи-
ларга тадбиркорлик субъектла-
рини рўйхатдан ўтказиш ин-
спекцияси тўловини имтиёз
тарзда амалга ошириш, хунар-
мандлар тайёрлаган маҳсулот-
ларни сотиш учун бозорларда
алоҳида расталар ташкил этиш,
уларга имтиёзли кредитлар аж-
ратишни марказлашган ҳолда
ташкил этиш юзасидан қатор
тақлифлар билдирилди.

Дарҳақиқат, ЎЗМТДПнинг
барча ташкилотлари томонидан
"Мустақкам оила йили" муно-
сабати билан ташкил этилаёт-
ган тадбирлар моҳиятида оила
институти янада мустақкам-
лаш, бу борада олиб борилаёт-
ган ишларни янги босқичга кўта-
риш каби мақсад-муддаолар
муҳасам.

Қамолиддин САИДУҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

БПТ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

БПТлар билан тизимли мониторинг олиб бориш

ФАОЛИЯТИМИЗ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРМОҚДА

*Мамлакатимизда
мустақилликнинг
дастлабки йилларида-
ноқ халқимизнинг
асрлар давомида шакл-
ланган миллий қадрият
ва аъёнларини тик-
лаш ва ривожланти-
ришга алоҳида эътибор
қаратилади. Шунингдек,
тараққийнинг ўзига
хос йўлдан бориб,
ҳуқуқий демократик
давлат барпо этиш ва
фуқаролик жамиятини
шакллантириш бораси-
да кенг кўламли исло-
хотлар амалга ошири-
лди. Бу борада давлати-
миз раҳбари томонидан
ишлаб чиқилган ривож-
ланишнинг "ўзбек
моделли" муҳим дасту-
риламал бўлиб хизмат
қилмоқда.*

Таъкидлаш жоизки, юрти-
мизда рўй бераётган янги-
ликлар ва ўзгаришлар жараё-
нида мамлакатимизда фао-
лият олиб бораётган мавжуд
сиёсий партияларнинг ишти-
рокини таъминлаш, жамият
хаёти ва қарорлар қабул
қилишдаги ўрни ва ролини
оширишга қаратилган
ҳуқуқий асослар тақомиллаш-
тирилиб, қонунлар билан
мустақкамланди. Айниқса,
Президентимиз Ислам
Каримовнинг парламент
палаталари қўшма мажлиси-
да тақдим этган "Мамлака-
тимизда демократик ислохот-
ларни янада чуқурлаштириш
ва фуқаролик жамиятини
ривожлантириш Концепция-
си" номли маърузасида
жамият ҳаётининг барча
жаҳдаларини янада демок-
ратлаштириш борасида
илгор ғоялар ва қонунчилик
ташаббуслари илгари сурил-
ди. Бу ўз навбатида сиёсий
партиялар зиммасига янги
вазифалар юкледи.

Бугун жамиятимизда
кечаётган ислохотлар жараё-
нида сиёсий партияларнинг
ҳар бир бўғини фаоллигини
кучайтириш долзарб масала
ҳисобланади. Бунда жамоат-
чиликка энг яқин бўлган,
партиянинг бош таянчи —
бошланғич партия ташкилот-
лари нуфузини ошириш, улар
фаолиятини доимий равишда
тақомиллаштириб бориш
муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда ЎЗМТДП
Андижон вилоят Кенгаши
томонидан қуйи бўғинлар
фаолиятини тизимли монито-
ринг қилиб бориш воситаси-
да ижобий натижаларга
эришилмоқда.

— Ўтган йили партия
вилоят Кенгаши томонидан
қуйи бўғинлар фаолиятини
янада жонлантириш, ЎЗМТДП
дастурий мақсад ва вазифа-
ларини кенг оммага етказиш,
аъзолар сонини кўпайтириш
ва тадбирлар сифатини
яхшилаш мақсадида ҳудудий
семинарлар ўтказилганди, -
деди ЎЗМТДП Андижон
вилояти Кенгаши Ижроия
Кўмитаси девони раҳбари
Садбархон Мамитова. —
Натижада вилоят миқёсида
2011 йил январь ойида
бошланғич партия ташкилот-
лари 264 тани ташкил этган
бўлса, йил якунига келиб 294
тага етди. Жорий йилда
мазкур тажрибани давом
этирган ҳолда қуйи бўғинлар
маълумотлар базасини
шакллантириш ва бойитиш
ҳамда мунтазам янгиллаб
боришга қаратилган семи-
нарлар ташкил этилди.

дуқ туман Кенгашида ўтқа-
зилган семинарда партия
Кўргонтепа, Хўжаобод,
Булоқбоши туман Кенгашла-
ри раислари ва уларнинг
ўринбосарлари, бошланғич
партия ташкилотлари раҳ-
барлари иштирок этди.
Йигилиш доирасида Жалақу-
дук тумани марказий
маданият уйи, "Намуна",
"Бозорбоши", "Бештол"
МФЙидаги БПТлар фаолияти
танқидий таҳлил қилинди.

Дарҳақиқат, туман мар-
казий маданият уйи бошланғич
партия ташкилоти томонидан
давлат дастурлари ижросини
таъминлаш, ЎЗМТДП сайло-
волди Платформасида белги-
ланган вазифалар юзасидан
қатор тадбирлар ташкил
этилган. "Миллий хунарманд-
чиликни қўллаб-қувватлаш —
бандлик муаммосини ҳал
қилувчи восита ва иқтисо-
дийнинг диверсификациялаш-
нинг ташкилий масалалари",
"Ишлаб чиқаришни маҳал-
лилаштириш ва экспорт
салоҳиятини ошириш маса-
лалари", "Оилавий тадбир-
корликни ривожлантириш —
барқарор тараққийимизнинг
таянчи", "Миллий бозорни
ҳар томонлама ривожланти-
риш — асосий устувор вази-
фамиз" каби қатор мавзулар-
да ўтказилган давра суҳбати,
учрашув ва семинарлар
шулар жумласидандир.

Партия вилоят Кенгаши
томонидан БПТлар фаолияти-
ни мониторинг қилишга
қаратилган семинарлар
партиянинг Асака, Пахтаобод,
Бўз туман Кенгашларида ҳам
ўтказилди. Бундай тадбирни
жорий йилнинг февраль ойи
давомида барча шаҳар-туман
Кенгашларида ўтказилиши
режалаштирилган.

— Бу каби семинарларни
ўтказиш орқали бошланғич
партия ташкилотларига ама-
лий ёрдам бериб, уларнинг
моддий-техник базаси ҳақида
тўла маълумотга эга бўлаёт-
миз, - деди С.Мамитова. —
Қолаверса, БПТ фаолияти
билан яқиндан танишиб,
партия ғоя, мақсад ва вазифа-
ларини тарғиб қилишга қар-
атилган амалий ишларни
чуқурроқ ўрганиш имкони
пайдо бўлмоқда. Шунингдек,
семинарлар давомида БПТлар
ҳужжатларини юритиш бўйича
қўшимча тавсия ва маълумот-
лар ҳам бераётми.

ЎЗМТДП Андижон вилоят
Кенгаши томонидан ўткази-
лаётган мониторинг натижа-
лари айрим туман ва шаҳар-
лардаги бошланғич партия
ташкилотлари фаолияти
бугунги кун талаби даражаси-
да эмаслигини кўрсатди.
Масалан, партиянинг Хоно-
бод шаҳар Кенгашидаги
БПТлар раҳбарлари ўз ишига
масъулиятсизлик билан
ёндашиши натижасида
аъзолар сонини кўпайтириш,
ЎЗМТДП дастурий мақсадла-
ри ижросига бағишланган
тадбирлар сифати ва савия-
сини оширишда сусткашлик-
ларга йўл қўйганлар.

Мамлакатимизда сиёсий
партиялар учун яратилаётган
кенг имкониятлар ўз навба-
тида зимманинг партия
дастурий мақсадлари ва
сайловолди Платформасидан
келиб чиққан ҳолда электро-
рат манфаатларини таъмин-
лаш, давлат дастурлари
ижроси юзасидан жамоатчи-
лик назоратини олиб бориш
каби масъулиятли вазифа-
ларни юклайди. Модомики,
шундай экан барча саёй-
ҳаракатларимиз белгиланган
мақсад ва режаларни рўёбга
чиқаришга қаратилиши
лозим.

Қамолиддин ҲОТАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

*Юртимизда кечаётган сиёсий жараёнлар, кенг
кўламли ислохотлар, айниқса, муҳтарам
Президентимиз Ислам Каримов томонидан парла-
мент палаталари қўшма мажлисида илгари сурилган
"Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада
чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлан-
тириш Концепцияси" номли маърузасида кўзда тутил-
ган устувор вазифаларни амалга ошириш ва ҳаётга
таъбиқ қилиш барча сиёсий партиялар зиммасига
катта масъулият юклайди. Бу эса ўз навбатида
партия ташкилотлари, хусусан, халқ депутатлари
маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларидан
янада фаоллик ва ташаббускорликни талаб этади.*

Таъкидлаш жоизки, бугунги
кунда мамлакатимизда сиёсий
партияларга алоҳида эътибор
қаратилиб, депутатлар кенг
кўламли фаолият юритиши учун
барча ҳуқуқий имкониятлар яра-
тилди ҳамда уларга берилган
ваколатлар кенгайди. Эндилик-
да амалдаги қонунлар, қонун
лойиҳаларини аҳолининг кенг
қатламига тарғиб этиш, улар-
нинг мазмун-моҳиятини тушу-
ндириш, электротатни ўйлан-
тираётган базий муаммо-
ларни қонун йўли билан ҳал
этишда ҳар бир депутат ташаб-
бускор бўлиши лозим.

Бугунги кунда жойларда
қонун устуворлигини таъмин-
лаш, ҳудудлардаги ижро этув-
чи ҳокимият органлари томо-
нидан амалдаги қонунларнинг
қай даражада ижро этилаётга-
ни устидан депутатлик назора-
тини ўрнатиш, фуқаролар ҳуқуқ
ва манфаатларини ҳимоялаш,
мамлакатни демократ-
лаштириш ва фуқаролик жамия-
тини қуришда фуқароларнинг
сиёсий фаоллигини ошириш,

онгу тафаккурини юксалтириш,
ижтимоий-сиёсий жараён-
ларда содир бўлаётган воқеа-
ҳодисаларга дахлдорлик туйғ-
усини шакллантиришга кўмак-
лашиш — депутатлик гуруҳла-
ри зиммасидаги асосий вазифа-
лардан саналади.

Айни пайтда Ўзбекистон
"Миллий тикланиш" демокра-
тик партиясининг халқ депутат-
лари маҳаллий Кенгашлардаги
депутатлик гуруҳларида 950
нафарга яқин депутат фаолият
юртмоқда. Улар томонидан
ўзлари сайланган ҳудудларда
ЎЗМТДП дастурий мақсад ва
вазифаларидан келиб чиққан
ҳолда мамлакатимизни ижтимо-
ий-иқтисодий ривожлантириш
ва халқ фаровонлигини ошириш
бўйича қабул қилинган Давлат
дастурларини амалга ошириш,
партия электротати билан иш-
лаш, жумладан, миллий хунар-
мандчилик ва касаначилик би-
лан шуғулланаётганларни ҳар
томонлама қўллаб-қувватлаш
борасида бир қатор амалий иш-
лар қилинмоқда.

Депутатлик масъулияти

УНИ АНГЛАШ САЙЛОВЧИ ВА ПАРТИЯ ТАЛАБИ

Хўш, бу борада халқ депу-
татлари Сирдарё вилоят, ту-
ман ва шаҳар Кенгашларида
партияимиздан сайланган депу-
татлар ўтган давр мобайнида
қандай ишларни амалга оши-
рд? Партия сайловолди Плат-
формасида белгиланган вазифа-
лар ижросини таъминлаш,
ўзлари фаолият олиб бораёт-
ган туман, шаҳар Кенгашлари-
да ўтказилган сессияларда
электротат манфаатларини
ҳимоя қилишга қаратилган қан-
дай ташаббуслар билан қиди?
Шу каби саволларга жавоб то-
пиш мақсадида улар фаолият-
ини танқидий-таҳлил қилдик.
Халқ депутатлари Ширин ша-

шувлар баённомалари тўлди-
рилмаганлиги, партия ҳудудий
ташкилотлари томонидан ўтқа-
зилаётган тадбирларда мунта-
зам қатнашаётганлигидан ҳам
билиш мумкин.

Вилоятдаги "Мирзаҷўлони
ўзлаштириш" ва "Ўлкашунослик"
музейлари айни пайтда аянчли
ахволга келиб қолган. Қолавер-
са, ҳудуддаги китоб дўконлари-
нинг бугунги кун талабларига
жавоб бермаслиги, хунарманд-
лар учун тўсиқ бўлаётган айрим
муаммолар сессия кун тартиби-
га қўйилиши лозим бўлган маса-
лалар ҳисобланади.

Хўш, бундай ҳолат учун ким
айбдор? Бунинг учун ЎЗМТДП

**Айрим маҳаллий кенгаш депутатлари ўз ваколатларидан фойдаланиб
фаоллик кўрсатиш ўрнига "Сен менга тегма, мен сенга тегмайман" қабилида
иш тутишни ўзларининг шиорига айлантириб олган кўринади. Бундай ҳолат-
да хунармандлар, оилавий тадбиркорлар, бир сўз билан айтганда партияимиз
электротати ўз фаолиятига тўсиқ бўладиган муаммолар ечимини топишда
кимга суяниши керак? Сайловларда ўзи овоз берган депутатга эмасми?**

ҳар Кенгаши 2011 йилда 7 мар-
та сессия ўтказган. ЎЗМТДПдан
сайланган 4 нафар депутат
партия дастурий мақсадлари-
дан келиб чиққан ҳолда сессия-
ларда фаол қатнашмаган ёки
депутатлик гуруҳи томонидан
сессиялар кун тартибига маса-
ла киритилмаган. Шунингдек,
улар фаолияти тўлақонли эмас-
лигини депутат сифатида иш-
режа тузилмаганлиги, сайлов-
чилар билан ўтказиб ўтган учра-

Сирдарё вилояти Кенгаши Иж-
роия Кўмитаси, ҳудудий партия
ташкилотлари Кенгашлари,
БПТ раҳбарлари ўз фаолиятига
танқидий кўз билан қараб, тўғри
баҳо бера олишлари лозим
бўлади.

Давр шиддат билан ривож-
ланмоқда, кундалик ҳаётимиз-
даги талаб ва эҳтиёжлар бизни
мунтазам ҳаракат қилишга ун-
дамоқда. Айрим маҳаллий кен-
гаш депутатлари ўз ваколатла-

имий мулоқотда бўлиши, ўйлан-
тираётган масалаларни сессия-
лар кун тартибига олиб чиқи-
ши лозим. Мухтасар айтганда,
давр Ватанимиз тараққийи,
халқимиз фаровонлиги, қола-
верса, электротат манфаатлари
йўлида депутат фидойи бўли-
шини тақозо этмоқда.

**Бурхон ШЕРМАТОВ,
ЎЗМТДП Сирдарё вилоят
Кенгаши Ижроия Кўмитаси
девоми раҳбари**

СИЁСАТ

● ИСТИҚЛОЛ СОЛНОМАСИ

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоби миллиятнинг ўз тақдирини узи-кесиш ўз қўлига олиши арафасидаги давр зиддияти ва мураккабликлари, жамиятнинг руҳий ҳолати, ички ва ташқи сиёсий омишлар босимини рўй-рост, ҳужжатли тарзда тасаввур этиш имконини беради. Шу жиҳатдан олганда, мазкур асар тарихчилар учун бирламчи манба, адиблар учун илҳом манбайи, таълим-тарбия учун ибрат ва сабоқ сифатида жуда қадриlidir, албатта.

Китобдан биринчи бўлиб ўрин олган мавзу — Фарғона водийси вилоятларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масаласига бағишланган йиғилишда Ислон Каримов сўзлаган нутқ билан боғлиқдир.

Бир мақола доирасида бутун бир асарни ҳазм қилишнинг имкони йўқлигидан келиб чиқиб, айнан мана шу биринчи мавзунинг мағзини чақишга ҳаракат қилиш ўринли кўринади.

Шу йиғилишда Фарғона воқеаларининг сабабларига тўхталган Ислон Каримов унинг “илдизи — Фарғона водийсида яшаётган аҳолининг оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволи

ҳўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада қолмоқда. Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўртача Иттифоқ даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этади. Биз даромад даражаси, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмоли қилиш жиҳатидан иттифоқдош республикалар орасида энг охириги ўринлардан бирида турибмиз. Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, туҳумни, умуман мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмоли қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда

1989 йили юртимизда шундай сиёсий-руҳий ҳолат юзага келган эдики, республикадаги вазият ижобий тарафга ўзгариши, озодлик сари ишонч ва илинж, бу борада бошланиб бўлган стихияли ҳаракат метрополиа тайёрлаб қўйган қопқонларга тушмаслиги ва ўз мантиқий хотимасига етиши аввало бутунлай бошқача, том маънодаги миллий етакчиға боғлиқлиги аёнлашиб қолган эди.

билан боғлиқ” дея ҳақ гапни айтганди.

Фарғонадаги ахвол умуман Ўзбекистон, қолаверса, собиқ империядаги бу борада мавжуд ҳолатнинг ўзига хос аянчли кўрсаткичи эди. Шу ўринда, 1990 йили Ислон Каримов томонидан очик-ойдин айтилган ва республикадаги ҳаққоний вазиятдан дарак берувчи қуйдаги фактларга мурожаат қилсак: “Ўзбекистон ҳар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турибди, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса Иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст. Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан республика мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ

75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фозидан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фозизга боради. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишини топа олмаяпти... соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилганлигини айтишнинг ўзи кифоя”.

Тилга олинган далиллар тушунган кишига умуман мустақиллашнинг тузумининг фожиявий оқибатлари, хусусан, совет режимининг нақадар бесамар ва ночорлигини асослаб берганлиги шубҳасиздир.

Шу муносабат билан собиқ империя миқёсига тегишли айрим маълумотларга мурожаат қилсак.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг ялпи ўсиши 80-йилларда 60-йилларга нисбатан 3.5 мартага камайган. Асосий озиқ-овқат маҳсулотларини четдан келтириш йилдан-йилга ошиб боравериши оқибатида сўнгги йигирма йил ичида гўшт, балиқ, ёғ-мой, қанд ва дон импортининг ҳажми пулга чақилганда ўн баробарга ўсган. Ишлаб чиқарилган ҳар учта “бўлка” ноннинг биттаси хориж унидан тайёрланар эди. Меҳнат унумдорли-

этганлигини ўқиб қолдик. Ўша пайтда камина — студент компьютерни ўз кўзи билан кўриш у ёқда турсин, тасаввур ҳам қиёлоқмасдик. Ваҳоланки, айнан ўша кезларда АҚШда йилга 5-6 млн. компьютер ишлаб чиқариш экан...

Империянинг иқтисодий асоси аллақачон чирий бошлагани унинг бошлиқлариға аён эди, албатта. 1982 йили бошқарувни ўз қўлига олган Ю.Андропов вазиятни ўнглашга киришар экан, тангликнинг сабабини режим табиатидан қидириб ўтирмади. Яна зўравонлик-маъмурий усулларға қўл урилди, субъектив рўқач-

лият билан оқламоқ керак бўлади. ...Яъни, халқ вакили халқнинг посбони, халқ раҳбари бўлиб, халқнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлғучи сирдошиға айланиши шарт”.

Хуллас, 1989 йили юртимизда шундай сиёсий-руҳий ҳолат юзага келган эдики, республикадаги вазият ижобий тарафга ўзгариши, озодлик сари ишонч ва илинж, бу борада бошланиб бўлган стихияли ҳаракат метрополиа тайёрлаб қўйган қопқонларға тушмаслиги ва ўз мантиқий хотимасига етиши аввало бутунлай бошқача, том маънодаги мил-

сар ва кўрқмаслигидангина далолат бериб қолмайди, албатта. Кейинчалик Президентнинг бир ишға киришишдан олдин уни қандай яқунлаш усулибди фикрлашдан (унинг “Бошлаган ишларимизни охириға етказайлик”, “Бир ишға киришдан олдин чиқишни ўйлаш” сингари ёндашувларини эслайлик) бохабар ҳолда айта оламизки, Ислон Каримов бошданоқ Ўзбекистоннинг бундан буёнги ривожланиш йўли қандай бўлиши лозимлиги хусусида ўзининг аниқ мақсад ва уни амалға ошириш сиёсатиға эга бўлган. Унинг “Мен сизларни... бундан буён эскича яшаш мумкин эмаслигини англашға чакирмоқчиман”, “бир вақтлар катта давлатларнинг мустамлакаси бўлган Жанубий Кореяда, Таиландда, Гонгконда қандай ўзгаришлар бўлмоқда? Бу ўлкаларда қандай кадрлар, қандай ақл-заковат эгалари етишиб чиқмоқда, улар қандай мўъжизаларни яратмоқда?”, “эски ёндашувлардан чора излаган билан ҳеч нарсаға эришиб бўлмайди... Фавқулодда ғайриоддий йўллари топиб, тараққиётимиз истиқболни тўғри белгилаб олишимиз зарур” каби давват ва таъкидларидан бу мақсад сиёсий мустақилликка эришишдан иборат бўлганлигини

ида юз бериши мумкинми-ди? Бу саволға ҳам очик жавоб бераман: ҳа, мумкин эди”. Бу ҳақиқат эди. Ижтимоий-иқтисодий танглик бутун республикани қамраб олган шароитда империяни сақлаб қолиш мақсадида жонжаҳдини бераётган метрополиа учун сопини ўзидан чиқариш услубини яна бир бор қўллаши ҳеч гап эмасди.

“Ев қонча, ботир кўпаяди” деганларидек, ўша йилларда ҳам, кейинчалик Истиқлолга эришилгач, ҳатто хозирда ҳам ўзини толмас курашчи, жафокаш, қурбон бўлишга ҳам тайёр қилиб кўрсатувчилар бўлган ва бор. Шундай-шундай бўлишини мен олдиндан билардим, дея кўксига урувчи “башоратчилар” қанча керак бўлса, шунча топилади. Аммо тарихий хотирани ўчириб бўлмайди. Бундларнинг асл башарасини ГҚП ишға киришган кунларда ўз кўзимиз билан кўрганмиз. “Сичконнинг ини минг танга бўлиб”, писайиб мулоим тортиб қолганларнинг асл қиёфаси ҳали ҳам кўз ўнгимизда. Ислон Каримов Ўзбекистонни мустақил деб, эълон қилганида, дўпписини осмонға отиш у ёқда турсин, оддий чапакка қўл тортолмай қолганлар-чи!?

Мақола устида ишлаш давом этаётган кунларда Президентимизнинг ўтган йил якунларига бағишланган чи-

“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарида ўрин олган ҳужжатли материаллар ўша замон хотираларимизни тиклайди. Фарғона водийси мавзусига бағишланган тадбир, республика бошлиғи сифатидаги илк амалий йиғилиш Ислон Каримов олдинги раҳбарларға ҳеч ҳам ўхшамаслиги, советчасига раҳбарлик тушунчаси ва қолипига мос келмаслигини намойиш этгани, десак тўғри бўлади.

сезиш қийин эмас. Асарни бошдан-оёқ синчиклаб ўқиган киши бу йўлдаги сиёсат (тактика) бош мақсад сари интилишлар, турли ҳаракатларни зое кетгизмаслик, метрополиа тузоғига тушмаслик, талофатларға йўл йўқмаслик, халққа суяниш ва унинг ишончини қозониш, замонавий кадрларни тайёрлаш, жамиятнинг илгор ва миллиятпарвар қучларини бирлаштириб эргаштириш ҳамда республика ижтимоий-иқтисодий аҳолини илоҳи борича ўнглаб олиш билан боғлиқ бўлганлигини аққол тасаввур қилиши мумкин.

Шу ўринда таҳлил этилаётган йиғилишда Ислон Каримов томонидан ўртаға ташланган жавоби ичида саволни келтириш жоиз: “Фарғонада содир бўлган воқеалар Ўзбекистоннинг бошқа бир жой-

қишларини кўрар, ўқир, кадр бошдан-оёқ синчиклаб ўқиган киши бу йўлдаги сиёсат (тактика) бош мақсад сари интилишлар, турли ҳаракатларни зое кетгизмаслик, метрополиа тузоғига тушмаслик, талофатларға йўл йўқмаслик, халққа суяниш ва унинг ишончини қозониш, замонавий кадрларни тайёрлаш, жамиятнинг илгор ва миллиятпарвар қучларини бирлаштириб эргаштириш ҳамда республика ижтимоий-иқтисодий аҳолини илоҳи борича ўнглаб олиш билан боғлиқ бўлганлигини аққол тасаввур қилиши мумкин.

Шу ўринда таҳлил этилаётган йиғилишда Ислон Каримов томонидан ўртаға ташланган жавоби ичида саволни келтириш жоиз: “Фарғонада содир бўлган воқеалар Ўзбекистоннинг бошқа бир жой-

**Азамат ЗИЁ,
тарих фанлари
доктори**

● АНЖУМАН

Ахборот асрида

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ



ли “оммавий маданият” нико-би остида миллий манфаат-

ларимиз, мафкурамиз, маънавий-ахлоқий қарашлари-

мизға ёт зарарли ғояларни ёшлар онгига сингдиришга

уринишлар кузатилмоқда. Бироқ алоҳида эътироф этиш жоизки, бундай ахборот оқимларининг аксарият қисми ночонуний ва ижтимоий жиҳатдан салбий мазмунға эга. Энг ёмони, интернет, мобил алоқа, компьютер ўйинлари, видео ва кино маҳсулотлари воситасида бузғунчилик, ахлоқсизлик, зўравонлик ва бошқа носоғлом мазмундаги ахборотлар тарқатиш ёхуд фойдаланиш оддий ҳолға айланиб бормоқда. Бундай ахборотлар ўсиб келаётган ёш авлодга салбий таъсир этиб, унинг маънавий, психологик ва жисмоний ривожига маълум даражада зиён етказиши шубҳасиз.

— Мамлакатимизда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш юзасидан амалға оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўсиб келаётган ёш авлодни ахборот олиш ҳуқуқларини эркин рўёбға чиқариш, уларни маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш, миллий қадриятларға ҳурмат руҳида тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, қобилият ва қизиқишларини тўғри йўналтириб бориш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш борасидаги ишлар барчанинг эътиборида бўлишини тақозо этади, дейди ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Ш.Дех-

қонов. — Шу нуқтаи назардан, ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудға келмаслиги учун улар онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларға ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз лозим. Видеоконференцияда сўзга чиққанлар бугунги ахборот глобаллашуви жараёнида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси самарадорлигини ошириш борасида қатор таклиф-мулоҳазаларни билдирдилар. Бугунги ахборот асрида ёшларға ёпирилиб келаётган ахборотлардан фойдалана олишлари, хусусан, носоғлом ахборотлардан ўзларини ҳимоя қилишлари, коммуникация воситаларидан тўғри фойдалана билишлари учун билим ва тажриба керак бўлади. Бунинг учун уларға катталарнинг, айнисқа, ота-она ва педагогларнинг маънавий-руҳий кўмаги зарур бўлади.

Анжуманда муҳокама қилинган масалалардан яна бири — ахборот соҳасида ёшларнинг ижтимоий фикрини мониторинг қилиш тизимини шакллантириш бўлди. Ёшларнинг “виртуал” ахборот майдонида ҳозир бўлишлари жараёнида уларнинг дунёқарабини ўрганиш, бу борадаги фаолият самарадорлигини жадаллаштириш юзасидан таклифлар, вояға етмаганлар

соғлиғи, маънавий-ахлоқий қадриятлариға зиён етказувчи ахборотлардан ҳимоялаш борасидаги ривожланган давлатлар тажрибаларидан мисоллар келтирилди.

Иштирокчилар томонидан миллий қадриятлар, ўзлигимизни англаш, маънавиятимизға таҳдид, ахборот маконига глобаллашуви ва қучли рақобат шароитида мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг медиа саводхонлиги ва интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, интернетнинг миллий сегментини ривожлантириш юзасидан аниқ таклифлар билдирилди.

Видеоконференцияда, шунингдек, ахборот маконининг глобаллашуви жараёнида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини янада такомиллаштиришға қаратилган комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, ушбу режани амалға оширишға жамиятимизнинг кенг қатлами — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ота-она ва педагогларни кенг жалб қилиш мақсадға мувофиқ экани таъкидланди.

**Эргаш САМАДОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамкорлигида “Ахборот глобаллашуви ва ёшлар маънавияти” мавзусида конференция ўтказилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазиirlар Маҳкамаси, тегишли вазиrлик, идоралар вакиллари, маънавият, таълим, ахборот соҳасининг мутахассис ва экспертлари, олимлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда видеоконференц-алоқа тизими орқали Фарғона, Самарқанд ва Нукус шаҳарларида ташкил этилган студиялар билан ҳам “он-лайн” тизимида боғланилди. Анжуманда таъкидланганидек, бугунги мураккаб глобаллашув даврида бутун-жаҳон ахборот тармоғи орқа-

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Таълим тизимини модернизациялаш

Йўлидаги корпоратив ҳамкорлик алоқалари

(Давоми. Боши 1-бетда)

Зеро, ёш авлоднинг замон талаблари, халқаро андозалар асосида билим олишлари эришиш, уларни келгусида ҳар жихатдан баркамол бўлиб вояга етказиш ва мамлакатимиз раънақига ҳисса қўладиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу борада «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»нинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши юртимиз таълим тизими раънақи учун муҳим аҳамият касб этди.

Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ва юқори малакали интеллектуал баркамол авлодни тарбиялашда давлат сиёсатининг ўрни ва ролини халқаро жамоатчилиқнинг ўрганиши ва танишишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 январдаги «Тошкент шаҳрида Халқаро конференция ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойишига асосан 2012 йилнинг 16-17

саларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва замон талаблари асосида малакали илмий педагогик кадрларни тайёрлаш борасидаги имкониятларни кенгайтиришда яна бир муҳим қадам бўлди. Мазкур Қарор асосида шакллантирилган «2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастур»га мувофиқ Урганч Давлат университетиде жуда катта ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу борада университетда 2011 йилда қарийб 8,4 млрд. сўмлик маблағлар ҳажмида янги типдаги замонавий ўқув биносининг қурилиши ҳамда талабалар турар жой биносининг реконструкция ишлари бошлаб юборилган бўлса, жорий йилнинг март ойидан бошлаб яна бир қатор биноларда капитал таъмирлаш иш-

борасида сўнгги йилларда университетда қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича 3 та, сайёҳлик ва хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича 2 та, муҳандислик соҳаси бўйича 3 та янги таълим йўналишлари ҳамда Германиянинг Вайнштефан университети билан ҳамкорликда «Бизнесни бошқариш (қишлоқ ва сув хўжалиги)» мутахассислиги очилди.

Университетнинг вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари билан алоқалари мустаҳкамлаиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда вилоятдаги 40 та касб-хунар коллежига университетнинг профессор-ўқитувчилари амалий-услубий ёрдам кўрсатиб келаётган бўлса, уларнинг 75 нафари касб-хунар коллежларида ўриндошлик асосида ишламоқда. Шунингдек, олимларимиз илмий раҳбарлигида касб-хунар коллежларининг 3 нафар ходими бугунги кунда номзодлик ишларини якунлаш арафасида бўлса, яна 4 нафари илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Мазкур тизимдаги педагог кадрлар салоҳиятини юксалтириш мақсадида университетда академик лицей ва касб-хунар коллежларнинг 2400 нафарга яқин ўқитувчиси малакаси оширилди. Ўтган йилдан бошлаб, қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежларининг 20 нафар талабаси университет биологлариясида амалиёт ўтай бошлади. «Касб-хунар коллежи — корхона» тизими доирасида битирувчиларни амалиёт ўташ ва келгусида ишга жойлаштириш мақсадида корхоналарга бириктириш масалаларига асосий эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Урганч Давлат университети, вилоят ўрта махсус, касб-хунар ҳамда вилоят халқ таълими ҳамкорлигида Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилган бўлиб, кенгашнинг йиғилишларида вилоятда таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар мунтазам равишда муҳокама қилиб келинмоқда.

«Фан-таълим-ишлаб чиқариш» интеграциясини мустаҳкамлаш йўлида турли фан соҳалари бўйича қўллаб олимларни қамраб олган Хоразм Маъmun академияси ёшларнинг таълим марказига ҳам айланган. Университет ва академия олимларининг ҳамкорлигида яратилган инновацион гоғлар ишлаб чиқаришга татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан 2008 йилдан буён ҳозирги кунгача бўлиб ўтган «Инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар» республика ярмаркаларида университет жамоаси томонидан тақдим этилган 75 дан ортқ лойиҳа намойиш этилиб, улар асосида қарийб 500 млн. сўм ва 302 минг АҚШ долларини миқдоридеги маблағлар ўқув-тарбиявий ва илмий тадқиқотчилик фаолиятини янада ривожлантиришга йўналтирилди. Энг асосийси, ушбу лойиҳаларда ёш тадқиқотчилар ва иқтидорли талабалар бевосита иштирок қилиб, илмий салоҳиятларини ошироқдалар. Хусусан, 2006-2011 йилларда университетнинг жами 100 нафар тадқиқотчиси номзодлик (92 та) ва докторлик (8 та) диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар.

Жорий ўқув йилида университетда Давлат фан-техника

● ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ОЛДИДАН



Замонавий таълим

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

16-17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида «Билим ва интеллектуал баркамол авлодни тайёрлаш — мамлакатни барқарор ривожлантириш ва модернизациялашнинг энг муҳим омили» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Бу конференция мамлакатимизда олий таълим тизими ва илмий тадқиқотлар борасида мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар ҳамда мамлакатимиз илмий салоҳиятининг халқаро миқёсда эътироф этилаётганининг яна бир тасдиғидир.

Ҳар қандай миллатнинг интеллектуал салоҳияти унинг маънавий баркамоллигидега номён бўлади. Маънавий баркамоллик эса таълим жараёнида шаклланади. Президентининг 2008 йилда Бонн университети билан ҳамкорликда ЮНЕСКОнинг янги «Барқарор таракқиёт таълими» кафедрасининг очилиши ва унинг қошида энг замонавий асбоблар билан жиҳозланган ўқув лабораторияси ташкил қилиниши бўлди. Мазкур ўқув лабораториясига қарийб 60 минг евролик жиҳозлар Германиядан келтирилди. Ушбу жиҳозларни сошлаш, ўрнатиш ва улардан фойдаланиш услублари бўйича германиялик мутахассислар иштирокида семинар тренинг ўтказилиб, университетнинг иқтидорли талабалари ва профессор-ўқитувчилар лабораторияда иш олиб боришлари бўйича амалий билим ва кўникмаларга эга бўлишди.

Албатта, таълим жараёни модернизация қилиш йўлидаги халқаро алоқалар келажакда ўзининг самарасини бериши шубҳасиз. Зеро, мана шундай ҳамкорликларнинг самараси тўғрисида Урганч Давлат университетининг кўпгина тадқиқотчилари дунёнинг нуфузли муассасаларида ишлаганлиги олиб бориб, халқаро миқёсдаги илмий даража-ларга эга бўлиб келмоқда. Бугунги кунда улар ўзларининг билим ва кўникмалари, хорижий тажрибалари билан Урганч Давлат университетиде таълим-тарбия сифатини ошириш, илмий тадқиқотчилик фаолиятини янада ривожлантириш ва халқаро алоқаларни кенгайтириш жараёнида муносиб иштирок қилиб келмоқдалар.

Рўзимбой ЭШЧАНОВ, Урганч Давлат университети ректори, ЎзМТДПдан сайланган Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши депутати

ва босқичма-босқич таълим-замонавий, ҳаҳон андозаларига мос ва хос бўлган янги шакл ва усуллари шакллантирилмоқда.

Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб кириш имтиҳонларини қабул қилишнинг тест тизимини жорий этди. Олий таълим тизимини маблағ билан таъминлашнинг турли манбалари — давлат, нодавлат, шу жумладан, чет эл инвестициялари жалб қилинмоқда. Пуллик шартнома асосида ўқишга кирган талабаларга банк кредитлари бериш амалиёти қўлланилмоқда.

Таълим сифатини ошириш мақсадида турли мамлакатлар, халқаро ваколатхоналар билан кўп тарафлама ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда. Кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорликнинг халқаро ҳуқуқий базаси яратилмоқда, қўшма таълим тузилмалари, ўқитувчи кадрлар алмашиш кенг тус олмақда. Хусусан, сўнгги йилларда Англиянинг Вестминстр университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Италиянинг Турин политехника университети, Россия Федерациясининг Губкин номидаги политехника университети, Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, Плеханов номидаги иқтисод университети ҳамда Малайзия институтини филиалларининг ташкил қилиниши таълим давлатлар ўртасида ўзаро алоқа ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бирига айланганли-

амалда фойдаланиш имконини берувчи интеллектуал муҳит, соддароқ қилиб айтганда илмий-техник ва ижтимоий таракқиётга замин яратади. Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 2010 йилни «Баркамол авлод йили», деб эълон қилиниши, таълим тизимини барқарорлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш дастурининг ишлаб чиқилиши таълим мамлакат таракқиётининг муҳим омили эканлигидан далолат беради.

Инсонни давр билан ҳамнафас, ҳозирги дунё воқелигига мос равишда яшашига ўргатиш таълим тизимининг энг муҳим вазифаси саналади. Бунда, айниқса, гуманитар таълим зиммасига алоҳида масъули-

ят юкланади. Чунки, янги авлод дунёқараш кўп жихатдан унга боғлиқ бўлади. Мутахассислар дунёқарашини тарбиялашда табиий-илмий ва техник таълимнинг ижтимоийлашуви ва инсонпарварлашуви муҳим ўрин тутади.

Таълим тизими ҳаёт эҳтиёжларини қай даражада қондирса, унинг жамият ривожига таъсири ҳам шу даражада кучли бўлади. Айни шу сабабли фан ва таълим тизими ўртасида вужудга келган тафовутни бартараф этиш замонавий таълимнинг кун тартибиде турган муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу таълим тафаккурини ижодий ривожлантиришнинг назарда тутишини англатади. Зеро, ҳаёт тинимсиз илгари сурувчи ностандарт вазифаларни фақат шу йўл билан ечиш мумкин. Демак, билимни муттасил янгилашга бўлган интилиши тарбиялаш таълимнинг муҳим элементи ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, глобал дунёқарашни шакллантиришнинг назарда тутати.

2005 йили Россия фалсафа Конгрессида Давлат думасининг Фан ва таълим технологиялари қўмитаси раиси ўринбосари, фалсафа фанлари доктори, профессор Ю.Слонин МДХ макониде фақат Ўзбекистон Республикасида таълим соҳаси хусусийлаштирилмаганлиги ва бу энг тўғри йўл эканлигини алоҳида эътироф этди.

Бугунги кунда дунё миқёсида инсон фаолиятининг барча жабҳаларида таркибий ўзга-

Таълим тизимини муттасил такомиллаштириш, таълим стандартларини турли минтақавий давлатлараро бирлашмалар доирасида янада универсаллаштириш акарият мамлакатлар, шу жумладан, мустақил Ўзбекистон учун ҳам демократик ислохотларни янада ривожлантиришнинг муҳим омилига айланмоқда.

гини кўрсатмоқда. Зеро, таълим трансмиллий тушунчага айланиб, мамлакатлар, қитъалар оша ўзгараётган дунёда касбий кўникмаларни шакллантириш учун зарур билим-таълим дунё миқёсида ҳис қилиш, баҳолаш, таҳлил қилиш, таққослаш, шунингдек, шаклланиш ва ривожланиш жараёнида унга хос бўлган ўзгаришларни эътиборга олишга асосланган дунёқараш ёки олинган билимларнинг амалиётга татбиқидир. Глобаллашув ва ҳаҳон ижтимоий майдонининг ўзгариши асрида таълим фалсафасининг вазифаси давр руҳи ва талабларини акс эттириши лозим бўлган таълим тизимини такомиллаштиришга кўмаклашишдан иборат.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари Ислон Каримов ташаббуси ва раҳнамолигиде «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»га мувофиқ собиқ тузум даврида шаклланиган кадрлар тайёрлаш тизими буткул ўзгаририлди

ришлар юз бераётган, аҳолининг интеллектуал тайёргарлик даражаси мамлакат суверенитети, ҳокимият, ҳудуд, табиий ресурслар, қуролли кучларнинг мавжудлигига қарайлаётган бир шариқта мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш, унинг даражаси ва сифатини ошириш миллатнинг халқаро обрўси, маънавий нуфузи ва инсон салоҳиятини юксалтиришда муҳим восита вазифасини ўтамоқда. Таълим тизимини муттасил такомиллаштириш, таълим стандартларини турли минтақавий давлатлараро бирлашмалар доирасида янада универсаллаштириш акарият мамлакатлар, шу жумладан, мустақил Ўзбекистон учун ҳам демократик ислохотларни янада ривожлантиришнинг муҳим омилига айланмоқда.

НИГИНА ШЕРМУҲАМЕДОВА, ЎзМУ фалсафа факультети фалсафа ва фан методологияси кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор

МАЪНАВИЯТ

ОГОҲЛИК

“... Оиладаги маънавий муҳит ва тарбия туфайли бола ё меҳрибон ва раҳмдил, ёки худбин ва бағритош бўлиб вояга етишини тушуниш қийин эмас.

Биз ўз фарзандларимизнинг бахту саодатини, иқболи ва камолини кўришни истар эканмиз, нафақат оиладаги, балки маҳалла-кўйдаги одамларнинг хатти-ҳаракати ҳам боланинг шаклланиб келаётган соф қалби ва онига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида доим ўйлашимиз, бу масалада зиммамизда қандай улкан масъулият борлигини унутмаслигимиз зарур.”

Ислом КАРИМОВ

Ўсмирнинг руҳий олами

УНИ ЁТ ИЛЛАТЛАРДАН АСРАЙЛИК

Мамлакатимизда вояга етмаган ёшлар тарбияси, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, маънавияти ва дунёқарашини юксалтириш борасидаги вазифалар давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бугунги кунда аҳолининг аксарият қисmini ташкил этувчи вояга етмаган ёшларга бўлган эътибор, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, ёшларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ ҳар қандай муаммо, ўзгариш жамоатчилик томонидан доимо ўрганилиб келинмоқда. Ана шундай долзарб масалалардан бири — ёшларнинг жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрлардан четга чиқиш ҳолати бўлиб, бу ишга ўз вақтида масъулият билан ёндашмаслик муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Оддий қилиб айтганда, баъзи бир ёшларимизнинг ичкилик-бозлик, гиёҳвандлик каби иллатларга ружу қўйиш, турли ёт оқим ва мафкура-ларга берилиши ана шу ҳолатларни юзага келтиради. Хўш, бунинг илдиизи саба-

бини қардан қидириш керак? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида мазкур ҳолатларнинг келиб чиқиши ва олдини олиш чоралари ҳақида мутахассислар фикри билан қизиқдик.

Муроджон УМАРОВ, Тошкент шаҳри ИИББ вояга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиқ ўринбосари, майор: — Марказга ота-онасининг назоратисиз, қаровсиз қолган уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болалар кўча-кўйдан, борзорлардан ушлаб олиб келинади. Биз улар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар-

ни йиғиб, уй манзили, ота-онаси, яқин қариндошларини қидириб топганимизга қадар марказда ушлаб турамыз. Ҳар бир бола меҳр ва қаровга муҳтож. Шу боис, бу ерга келтирилган бола ётоқ, озиқ-овқат билан таъминланади, тиббий кўриқдан ўтказилиб, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатилади.

Шундай ота-оналар борки, ўз фарзандларидан осонгина воз кечиб юборишади. Биз ана шундай болаларни ёшига қараб меҳрибонлик уйига, махсус мактаб ёки коллеж-ларга юборишга мажбурмиз.

НОДИР 17 ёшда, Наманган шаҳри: (болаларнинг исми ўзгартирилган) — Отам ва ўғай онам билан яшайман. Ўғай онам мени сиғиштирмайди, отамдан ҳар бир хатти-ҳаракатим ва ишим учун гап эшитаман. Уйимда худди бегонадекман.

ДИЁР 13 ёшда, Тошкент шаҳри: — Бу ерга мен 16 ёшли опам ва 6 ёшли укам билан келганман. Онам спиртли

ичимликлар истеъмол қилади. Бизни тиланчилик қилиб пул топиш учун кўчага ҳайдайди. Агар уйга айтган пулини олиб келмасак, кўчада қолдириб жазолайди.

Гулчехра ҚОСИМОВА, психолог:

— Бундай болалар асосан носоглом оила муҳити таъсирида девиант ҳолатига тушириб кузатилади. Яъни, ота ё она бошқа никоҳда ёки уларнинг ота-онаси умуман бўлмаслиги мумкин. Баъзан оила муҳити тўлиқ, лекин моддий қийинчиликлар сабаб ўсмирлар пул топиш илинжида боши берк кўчага кириб қолишади. Улар билан суҳбат ўтказилганда, боланинг шахс сифатидаги ҳуқуқлари поймол бўлган, ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабат совуқлиги асосий сабаблардан бири бўлиб чиқади.

Бу ерга келган ўсмирлар руҳияти ва қизиқишларига қараб, улардаги салбий ўй-фикрларини ўзгартиришга ҳаракат қиламиз. Аксарият болаларнинг руҳияти, атрофдагиларга бўлган муносабати оз бўлса-да ижобий томонга ўзгармоқда. Лекин улар уйига қайтган, яна аввалгидек муносабатни кўрса, боладаги яхши ўзгариш узоққа бормайди. Ана шундай болалардан Нодир меҳрибонлик уйига юборилган, унинг фикрлаши кун сайин ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Келажақда у харбий бўлмоқчи. Ундаги бундай интилиш ва ўзгаришлар албатта қувонарли.

Алишер ЮСУПОВ, социология фанлари номзоди, доцент:

— Авваламбор, девиантлик ҳолатига тўхталсак, бу атама асосан физикада қўлланилган. Яъни, девиантлик тўғри белгиланган чизиқдан оғиш деган маънони англатади.

Ҳозирда бу тушунча социологияда қўлланила бошланди. Сабаби, инсондаги одатларнинг меъёридан чиқиши (ҳар бир шахсда меъёридан чиқиш ҳолати бўлади, албатта) кузатилади. Бу бора-бора иллатга айланиб қолмаслиги лозим. Ана шундай ҳолатнинг олдини олиш учун эса социологик тадқиқотлар ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, девиант ҳолатларнинг юзага келишида шахс хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий девиантликда шахснинг интеллектуал даражаси, туғма касалликлар, аждодларининг спиртли ичимлик ёки гиёҳванд моддаларга ружу қўйганлиги ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Фақат бунда шуни ҳисобга олмоқ лозимки, туғма омиллар натижасида инсон жиноятчи бўлиб эмас, балки жиноятчи бўлиш эҳтимоли билан туғилади.

Шахснинг психофизиологик ҳолати, психолог ва педагоглар

ган меъёрларни юқори даражада билса, унда ижтимоий меъёрдан чиқиш шунчалик кам юз беради. Айниқса, ўсмир ёшлар ўртасидаги девиантлик ҳолатига катта эътибор қаратиш лозим. Ёш авлод бамисоли ниҳолдек гап. Ким қарерга букса эгилверади. Уларни асраб-авайлаш, парваришлаш, ҳаёт сўқмоқларида инсонга фақат омад эмас, балки қийинчиликлар ҳам дуч келишини тушунтириш лозим. Бола иродали, сабр-тоқатли бўлиши бировлардан эмас, аввало ота-онасидан ўрганади. Қолаверса, оила — мактаб — маҳалла билан боғлиқ ҳолда ишлаш бола тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Ёшлар орасида девиант ҳолатларнинг юзага келиш сабабларидан бири — ота-она ва фарзанд, шунингдек, ўсмир-ёшлар ва ўқитувчилар ўртасида бирмунча бефарқликлар кузатилмоқда. Бундан

бериш, миллий қадриятларимизни уларнинг онгига сингдиришдан оғринмаслик лозим. Бунинг учун уларга сен ундай бўл, бундай қил, дейиш шарт эмас. Бундай панд-насихатлардан беизб қолади. Халқимиз айтганидек: “Яхши нарсга қоғозга ўраб берилади”. Шундай экан, фарзандларимизга фақат ва фақат яхшилиқни раво кўрайлик.

Шу ўринда юртимизда олиб борилаётган ёшларга оид сиёсат ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. “Соғлом авлод йили”, “Она ва бола йили”, “Сиҳат-саломатлик йили”, “Ёшлар йили”, “Баркамол авлод йили” муносабати билан ишлаб чиқилган давлат дастурлари, асосан, ёшлар масалалари билан боғлиқлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, ўтган йиллар давомида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат

Бугунги глобаллашув замонида ёшлар бир жойда ўтирмайди. Улар ҳамиша ҳаракатда. Кимдир интернетдан фойдаланади, яна кимдир чет элда ўқиш учун йўл олади. Ана шундай пайтда ёшлар ўзларини йўқотиб қўймасликлари, ёт ғоялар домига тушиб қолмасликлари учун уларга таълим-тарбияни тўғри бериш, миллий қадриятларимизни уларнинг онгига сингдиришдан оғринмаслик лозим.

фикрига кўра ўсмир-ёшларнинг психофизиологик ҳолати ижтимоий девиантликка кўпроқ мойил бўлади. Айнан ўсмирлар орасида меъёридан оғиш ҳолатларининг кўпроқ учрашини мана шу ҳолат билан ифодалаш мумкин.

Меъёрдан четга чиқишнинг юз беришидаги омиллардан яна бири, шахснинг жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрларни билиш даражасидир. Агар шахс жамиятда ўрнатил-

кўринадики, “оила-мактаб-ўқувчи” тизимида бир қатор узилиш ва камчиликлар бор.

Бугунги глобаллашув замонида ёшлар бир жойда ўтирмайди. Улар ҳамиша ҳаракатда. Кимдир интернетдан фойдаланади, яна кимдир чет элда ўқиш учун йўл олади. Ана шундай пайтда ёшлар ўзларини йўқотиб қўймасликлари, ёт ғоялар домига тушиб қолмасликлари учун уларга таълим-тарбияни тўғри

сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қўллаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вояга етмаган ёш авлодни ҳар томонлама баркамолликка етиштириш учун ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий асос бўлмоқда. Жорий йилнинг “Мустақкам оила йили” деб аталиши ҳам ёш авлод камалига бўлган эътиборнинг яна бир намунасидир.

Дилфуза РЎЗИЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири



“BUNYOD” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

Европа давлатлари, МДХ, Эрон, Туркия ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича:

- импорт-экспорт маҳсулотлари; • халқ истеъмоли моллари; • озиқ-овқатлар;
- ёғ ва ёғ маҳсулотларини махсус транспорт воситаларида ташиш билан шуғулланади.

Ушбу хизматлар эркин муомаладаги ҳамда миллий валютада пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мурожаат учун телефонлар:

Бош директор:

Шавкат Юсупов
(99890) 188-73-69

Транспорт бўйича директор:

Нодир Зоҳидов
(99897) 158-40-60,
(99890) 323-40-60,

e-mail: nodir7205@mail.ru

Бош муҳандис:

Ойбек Эгамбердиев
(99890) 186-73-69



Бизнинг манзил: Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Катта Ўзбек Тракти-14.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● БИЗНИНГ ШАРҲ

Кўприк — ҳаёт белгиси



Йўл, кўприк қуришнинг савоби беназирдир. Тарихий манбаларда Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари улуг боболаримизнинг бунёдкорлик ишлари ҳақида кўп ва ҳўб ёзилган. Кўприк қурган кам бўлмас, равон йўлда гам бўлмас, дейди халқимиз. Бу нақсининг нақадар ҳаётийлигига бугун ўзимиз гувоҳмиз.

Эрамининг бошлариданоқ Юнонистон ҳамда Рим империяси, Эрон, Туркия давлатларининг гуркираб, ривожланган давридаёқ анҳор ва каналларга йирик транспорт кўприклари қурила бошланди. Қадимда ёғоч, тош, олма, кейинчалик фан-техника ривожлана бошлагач мустаҳкам, темир-бетон устуни кўприклар бунёд этилди. Сайёрамизда 200 дан ортқ мамлакат бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўзига хос кўприклар мавжуд.

Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳри нафақат Болливуд киностудияси балки Бандра Варли денгиз кўприги билан донг таратган, десак муболага бўлмас. 2009 йилнинг охирларида фойдаланишга топширилган мазкур ҳаёт йўлига собиқ бош вазир Ражив Гандининг номи берилган. Олма кўприкни кўпчилик муҳандислик санъатининг

мўъжизасига қиёслади. Узунлиги 5,6 километри ташкил этувчи Араб денгизидеги Варли ва Бандра ороллари бораб тақалади. Кўприклар миллат мумбайликларнинг мушқулини осон қилмоқда. 8 йўналишли йўл, айниқса, тигиз пайта одамлар вақтини қарийб 10 баробарга тежайди. Кўприкдан ўтиш пуллик, автотранспорт турига қараб юз рупийгача, тахминан икки АҚШ доллар миқдориде ҳақ тўланади. "Bandra Worli Sealink"ни қуриш учун 327 миллион АҚШ доллар миқдориде маблағ сарфланган бўлиб, унда ХХР, Миср, Сингапур, Таиланд, Сербия, Швейцария каби 11 давлатнинг уч мингдан ортқ мутахассислари иштирок этди.

Аср қурилиши 10 йил давом этиб, унга қирқ минг тонна пўлат, 90 минг тонна бетон ишлатилган. Илгари оралик масофаси 8 километри ташкил этган Бандра ва Варли шаҳарчаларига бўлган масофа эрта тонгдан, то кеч оқшомгача кузатиладиган автомобиль тикинларида 60-90 дақиқада босиб ўтилган бўлса, энди бор-йўғи 6-8 дақиқа кифо қилади. Денгиздан 9 метр баландликда қад ростлаган бу кўприк 6 метрлик кучли тўлқинлару, зилзилалар, соатига 125 километр тезликда ҳаракатланувчи шамолга ҳам дош бера олади. Бу иншоотда ҳавфсизлик қоралари қучатирилган. Махсус мосламалар орқали туну-кун юқоридан ва сув остидан қўриқ-

лаб турилади.

Кўприклар қуриш Хитой архитектурасининг ажралмас, муҳим бўғинига айланган. Бу бир неча минг йилларга бориб тақалади. Кўприклар миллат фаҳрига айлангани ҳам рост. Бугунги кунда ХХР 3 миллион 457 минг километрлик йўлга эга бўлиб, уларни 533 тадан ортқ кўприклар бораб туради. Хитойда дунёдаги энг йирик кўприклардан 7 таси жойлашгани эътиборга молик. Цин, Сун, Хан династиялари ҳукронлиги даврида бунёд этилган кўприклар ҳозир ҳам минглаб сайёҳларнинг диққатини ўзига жалб этиб келаётир. Умуман, ХХР арксимон кўприклар қурилиши бўйича дунёда етакчилик мавқеини сақлаб турибди. Шандун провинциясидаги доимо сайёҳлар билан гавжум бўлгучи Циндаода 36 километр узунликка эга кўприк ишга туширилди. Сарик денгизини Цзяочжоувань кўрфазини сохиллари билан бириштириб турувчи кўприк ва сувости тоннели қурилиши бир ярим миллиард АҚШ долларига тушди. Эндилликда Циндаодан Хуандао ва Хундао оролларига элтувчи йўл анча қисқарди. 7 минг 800 метр масофали тоннел дунёдаги энг узун саналади. Шундан тўрт километри кўрфаз остидан ўтади. У катталиги жиҳатдан жаҳонда учинчиси деб эътироф этилган. 6 йўналишга либ трассада кунига 100 мингтадан автомобиль ўтмоқда. 2009 йилнинг декабрида Чженжоуда ер юзидеги тенги йўқ

улкан авто-темир йўл кўприги қуриб битказилди. Икки погонли бу иншоотнинг узунлиги 22,8 километрга тенг. Поездларнинг соатига 350 километр, машиналарга эса 100 километр тезликда ҳаракатланишга рухсат берилган. Ёмғир ва шамолдан сакловчи ёпик кўприклар борлигини билсангиз керак. Хунань провинциясидаги Лаоче дарёсидаги бу кўринишдаги кўприк қурраи заминдаги энг узун сифатида жаҳон рекордини қайд этган. Мазкур ноёб иншоот дун элатининг маданий мероси сифатида талқин этилади. Хубей, Гуйчжоу провинциялари, Гуанси-Чжуан мухтор ўлкаларида ҳам автомобиль эгаларининг жонига оро кирадиган бундай кўприклар оз эмас.

XVIII асрнинг охирлари, аниқроғи 1779 йили Буюк Британиянинг Колбрукдейл шаҳридан оқиб ўтувчи Северн дарёси устида металлдан ишланган биринчи кўприк барпо этилди. XIX асрда темир йўл магистраллари қурилиши туфайли кўприксозликини ривожлантириш тақозо этилган. 1877 йили Густав Эйфель Португалиядаги Доро дарёсида куйма темирдан ишланган арксимон кўприк солди. Кейинчалик Сизрандаги Волга ва Красноярскдаги Енисей дарёларида ҳам ана шундай мустаҳкам кўприкларга асос солинди. Темир бетондан ишланган кўприклар урф бўла бошлади. Пўлатдан фарқли ўлароқ, уни доимий равишда бўяб туришга ҳожат йўқ. Биринчи замонавий урлубдаги олма кўприк Швециянинг Стромсунд шаҳрида 1956 йили очилди. Кейинчалик Грузия, Украина, Латвия ва Россияда ҳам уларнинг тажрибаси қўлланилган.

Ҳар бир давлат ўзига хос услубда қурилган кўприкларга эга. АҚШдаги Бруклин, Лондондаги Тауэр, Прагадаги Карлов, Япониядаги Акаси-Кайке, Мьянмадаги У Байн ва Туркиядаги Европа ва Осиё китъаларини туташтириб турувчи Босфор кўприклари ким билмайди, дейсиз. Японияда кучли зилзилаларга дош бера оладиган Марварид кўприги бўлиб, 3 минг 911 метрлик олма йўл дунёдаги энг узун деб топилаган. Сеулдаги 1 минг 140 метрли фавворали кўприк эса, "Гиннеснинг рекордлар китоби"га киритилган. Пиёдалар, автомобиль, темир йўл кўприги у ёқда турсин, сув кўприги ҳам борлигига ишонасизми? Германиянинг Магдебург шаҳрида Эльба-Харель-Среднегерман каналлари оралигиде фақат баржа, паром ва сайр қайиқларидан фойдаланилади. Мексикада "Baluarte" номини олган

дунёдаги энг баланд кўприк бор. Уни испан тилида "Қалъа" ёки "Суянчик" деб аташади. Синалоа ва Дуранга штатларини боғловчи кўприкнинг баландлиги 403 метр, узунлиги 1 минг 124 метрдан иборат. Унинг тағига Эйфель минораси бемалол сиғади. Кўприк Жанубий Америкадаги ушбу мамлакатнинг Тинч ва Атлантика океанларини бир-бирига боғлайдиган трассанинг бир қисмига айланди.

Бироқ кўприк лойиҳалари маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилмагани туфайли нохуш воқеаларга ҳам гувоҳ бўляпмиз. Уни тиклаётган вақтда табиат катаклизмаси, масалан кучли шамол ёки зилзилалар эътиборга олиниши керак. 1297 йили Буюк Британиядаги Стирлинг кўпригида кечаётган жангу-жадалларда кўприк оғирликини кўтара олмай қулаб тушган. 1845 йили туманли албиондаги яна бир Ярмут, 1967 йили АҚШдаги Кумуш кўприк ҳам ана шу тарзда вайрон бўлган. Анжер (Франция 1850), Таком (АҚШ 1940) кўприклари ҳам кўп сонли ҳарбийлар тўлқини қолгани, тебраниш амплитудасининг кескин кўтарилишига олиб келган, оқибатда унинг конструкциялари катта оғирликка дош бера олмаган. Британиядаги Данди дарёсига қурилган Фёрт-оф-Тэй кўприги 1879 йили кучли тўлқин туфайли бузилиб, 75 кишининг ўлимига сабаб бўлган. 1953 йили Янги Зеландиядаги Вангазху кўприги сел келиши оқибатида яросқиз ҳолга келиб қолган. Ўшанда 151 нафар одам ҳаётдан кўз юмган эди.

Узоққа бормайлик: 1989 йили Калифорниядаги Окленд кўприги кучли зилзила оқибатида бузилиб, тинч аҳолидан 42 нафари қурбон бўлган. Нафақат табиий офатлар, балки террорчилик ҳужумлари оқибатида ҳам кўприклар йўқ қилинмоқда. 2002 йили Ҳиндистондаги Дхав дарёси узра ўтказилган темир йўл кўпригида содир этилган хунрезликлар оқибатида 130 киши ўлган. Чўнтак, уй, машина ўғрилари ҳақида кўп эшитганмиз, кўприкни ўмаранлар ҳам йўқ эмас экан. 2010 йилнинг декабрида Оренбургда яшовчилардан бири бутун кўприкни бузиб, темир-терсака сотиб юборган. 2007 йилнинг 29 декабрида кеч оқшом Хабаровскдаги иссиқлик магистралли устидан ўтувчи кўприк ҳам ғойиб бўлган. Македониядаги Црна ва Райец дарёлари устига қурилган иккита 9 метрлик 200 тонналик кўприкни ўғирлаб, пуллаб юборган икки фуқаро қўлга олинган.

Азимжон Пўлатов

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Навбат ёқилғига

Бир ой аввал Италия соҳилида ҳалокатга учраган "Costa Concordia" саёҳат кемасидаги ёқилғини тортиб олиш ишлари бошланди.

Мазкур сув транспортида икки минг тоннадан кўп ёқилғи мавжуд. Шу боис унинг уммонга тўкилиб кетиш хавфи кўпчиликни хавотирга солаётган эди. Аммо бу иш қутилиганидан оғир кечилиш қутилмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, ҳаво муътадиллашиб турса, ёқилғини бир ойда олиб чиқиш мумкин. Сўнгги маълумотларга кўра, кеманинг ҳалокатга учраши оқибатида 15 нафар одам ҳалок бўлган.



Сибир циклони... давом этмоқда

Европада қаттиқ совуқдан вафот этганлар сони 600 нафардан ошган.

Руминия, Чехия, Сербия, Германияда ҳаво ҳарорати пасайишда давом этмоқда. Оқибатда автомагистраллар ёпилган. Франция, Босния ва Австрияда бир неча кундан буён тинимсиз ёққан қорнинг қалинлиги ярим метрни ташкил этган. Кўплаб ҳудудлар цивилизациядан узилгани туфайли уларга озик-овқатлар вертолётлар орқали етказиб берилмоқда. Таълим муассасалари, ташкилотлар вақтинча ёпиб қўйилган. Метеорологларнинг фикрича, Европада бундай ҳаво ҳарорати февраль охиригача кузатилади. Таҳлилчиларнинг айтишича, бундай совуққа Сибирь ҳаво босими номи билан машҳур об-ҳаво ҳодисаси сабаб бўлган. Одатда, ғарбда Италиягача, жанубда Малайзиягача етиб борадиган Сибирь циклони бу сафар кенг ҳудудларни қамраб олди.



Тобора камаймоқда

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, қизамиқдан вафот этиш ҳоллари 2000-2011 йиллар давомида 300 мингга камайган.

Бу, аввало, ривожланаётган мамлакатлардаги болаларнинг 80 фоизи қизамиққа қарши эмланмагани натижасидир. Аммо муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, ҳозир ривожланган мамлакатлардаги болаларнинг тўртдан бир қисмининг вазни нормадан кам. Шунингдек, сайёрамиздаги қарийб 3 миллиард киши асосий санитария-гигиена воситаларисиз кун кечиради. Мутахассисларнинг фикрича, бу борада ривожланишга эришиш мумкин, аммо бунга йирик молиявий мажбуриятлар, жумладан, ривожланаётган мамлакатларнинг катта миқдордаги ёрдамлари керак.



Ўрни қандай қопланади?

Олимларнинг фикрича, тараққиёт ва ривожланиш натижасида инсоният табиий захиралардан фойдаланиши ошаётгани кузатишмоқда.

Агар дунё захираларидан ҳозиргидай "истеъмол қилиш" давом этса, келгуси 20 йилдан сўнг ҳаётий эҳтиёжларни қондириш учун яна битта сайёрга тенг захира керак бўлади. Маълумотларга кўра, табиий захиралардан энг кўп фойдаланиш бўйича АҚШ, Хитой мамлакатлари етакчилик қилмоқда. Ҳозирги кунда энг катта муаммо экологик, табиий захиралар инқирози пайдо бўлаётир. Дунё аҳолисининг тўртдан уч қисми экологик қарздор бўлиб, улар ҳаддан зиёд кўп сув ишлатмоқда, ҳавони булгаб, ўрмонларни кесиб, денгизлардаги ноёб жониворларни аёвсиз қирмоқда. Оқибатда уларнинг ўрнини қоплаш имконсиз бўлаётир.



Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

● РАНГИН ДУНЁ

Дунё гўзалликларга бой. Айниқса, мамлакату шаҳарлар, сўлим гўшаю манзиллар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак. Бу гал сизу биз узоқ ва номаълум Таиланд қироллиги бўлаб саёҳат қиламиз.

Таиланд қироллиги жануби-шарқий Осиёнинг юрагиде жойлашган. Қадим замонлардан бери мамлакат Ҳиндихитой, Мьянма ва Жанубий Хитой ўртасидаги савдо йўлларини туташтирган марказ ҳисобланади. Топографик жиҳатга кўра, Таиланд шартли равишда тўртта минтақага бўлинган: шимолий, марказий, шимолий плато ва жанубий яриморол. Мамлакат 76 та провинцияга бўлинган. Уларнинг ҳар бирида округ, район ва қишлоқ мақоми бор. Айрим шаҳарлар номида "накхон" сўзи учраб туради. Масалан, Накхонратчасима провинцияси Ампхе-Мьянг Накхонратчасима райони ва Тхетсабан Накхон Накхонратчасима номи йирик шаҳарни ўз ичига олган. Паттайя шаҳри эса алоҳида муниципал мақом ва бошқарувга эга. Шунингдек, Бангкок шаҳри ҳам пойтахт маъмурияти сифатида ўзини ўзи бошқариб келади.

БАНГКОК ЁХУД "ФАРИШТАЛАР ШАҲРИ"

Таиланд пойтахти Бангкокни "фаришталар шаҳри" деб бе-

жизга айтишмайди. Аслини олганда, шаҳар 18 та сўздан иборат. Крун Тхеп Маханахон Амон Раттанахосин Махинтараютта-хая Махадиллоқ Пхон Ноппарат Ратчатхани Буриром... Англаган бўлсангиз, бу Бангкокнинг тўлиқ номи. Шаҳарга берилган бу каби таъриф тавсифлар жуда кўп. "Тўққиз қимматбаҳо тошлар шаҳри", "Маъбуд Индра тўқфаси", "Фаришталар шаҳри" ва ҳоказо. Биз билган Бангкок эса тай тилида "Зайтун ўсадиган қишлоқ" деган жўнгина маънони билдиради.

Бугунги кунда Бангкокда 9 миллион нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шаҳарнинг гавжум кўчалари бирор бир байрам олдидан ясатилаганга ўхшади. "Кўча савдоси" Осиёнинг кўплаб шаҳарлари сингари бу ерда ҳам кенг тарқалган. Кўчанинг ўзида миллий таомлар пишириб сотаётган ошпазлар, ширинлик ва мева сотувчилар ҳар қадамда учрайди.

МЎЙҚАЛАМ ТУТГАН ФИЛЛАР

Филлар азал-азалдан Таиланд қироллигининг ўзига хос

Номаълум Таиланд



Таиланд ҳудудининг умумий майдони 513 115 км², қирғоқ чегарасининг узунлиги эса 3219 км.ни ташкил қилади. Аҳолиси 62 миллион. Мамлакатни қирол бошқаради.

рамзларидан бири ҳисобланади. Бир пайтлар Бангкок кўчаларини уларсиз тасаввур қилиб бўлмасди. Энди эса филларни фақат махсус фермаларда, томошагоҳларда қўриш мумкин. Филлар иштирокидаги пойгала, футбол ўйинлари, рақслар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Ҳатто, баъзи филлар хартумида мўйқалам тутиб, сурат ҳам чизишади. Буни кўрган ҳар қандай одам филларнинг маҳоратига беш кетиши аниқ.

Чиндан ҳам филларнинг ақл-

лилиги, зукколиги ва маҳоратига таи бермаслиқнинг сира иложи йўқ. Тайлар (Таиланднинг маҳаллий аҳолиси) асрлар давомида филларни эъзозлаб келишади. Жангларда, уй юмушларида, деҳқончилик ва қурилиш ишларида фил уларнинг энг яқин ёрдамчиси бўлиб келган. Шу боис, мамлакатда энг кўп тарқалган исм — "Чанг" ҳам фил деган маънони беради. Таиландликлар кўпинча омад келтирсин, деган мақсадда ҳам фарзандларига ана шундай исм қўяди.

"МАҲА ПУЖА" БАЙРАМИ

Буддизм билан боғлиқ миллий байрамлар Таиландда жуда кўп. Шулардан бири — Маха Пужа, яъни ой тўлишган кеча февраль ойида нишонланади. Шу кунни роҳиблар кунни тоатибодат билан ўтказишади. Инсонлар бир-бирига меҳр улашиб, фақат эзгу амалларни бажаради. Қуёш ботган эса ҳамма ибодатоналарга шам ва гуллар олиб боради. Умуман

олганда, мамлакатда бу каби байрамларнинг сон-саногий йўқ. Уларни йил давомида нишонлаш одат тусига кирган.

БАДБҮЙ, АММО МАЗАЛИ МЕВА

Таиланд ошхонасини гуруч, қалампир ва кокос сутисиз тасаввур қилиш қийин. Бу ернинг мезобонлари тугул меҳмонлари ҳам овқат масаласида бош қотириб ўтиришмайди. Ҳатто, Бангкок бўйлаб оқиб ўтувчи каналда ҳам турли егуликлар, ичимлик ва мевалар билан қайиқларда савдо қилиб юрган сотувчиларни учратиш мумкин. Кўчалардаги мўъжаз "емакхона"ларда исталган егулик, ҳатто дуриан меваси ҳам топилади. Дуриан Таиланднинг ўзига хос меваларидан саналади. Меванинг таъми унчалик ёмон эмас. Ундан қовун ва қовоқ таъмини эслатувчи мазани туйиш мумкин. Аммо хидига чидаб бўлмайди. Шу боис, айрим муассасалар эшигига "No durian" (дуриан билан кириш ман қилинади) деган лавҳа осиб қўйилади. Дуриан асосан очик жойларда сотилади. Шаҳарда доимий эсиб турадиган шамолда унинг бадбўй хиди йўқолади ва ейиш учун тайёр ҳолга келади.

"ТУК-ТУК"ДАН "УЧАР ПОЕЗД"ЛАРГАЧА

Гарчи Таиланд ҳеч қачон инглиз мустамлақаси бўлмаган эса-да, худди Ҳиндистон, Буюк Британия, Япониядаги каби чап томонлама ҳаракат йўлга қўйилган. Чунки илк бор Бангкокда йўллар қурилганида, машиналар Япониядан харид қилинган. Бангкокда маҳаллий аҳоли "тук-тук" деб атайдиган, мотоцикл, автомобиль ва ивзонинг дурагайини эслатадиган ўзига хос транспорт тури бор. Улар учун қайси тарафдан ҳаракатланишининг фарқи йўқ. "Тук-тук"чилар арзимаган чойчақа эвазига сизни шаҳарнинг исталган чеккасига тез фурсатда етказиб қўйишади.

Яқинда эса Бангкокда янги метрополитен ишга туширилди. Лойиҳа қиймати икки миллиард долларни ташкил этган бу метро одатга кўра ер остидан эмас, нақ осмондан, 25 метр баландликдан ўтган. Шаҳар аҳолиси "учар поезд" номини олган ушбу янги транспорт тури хизматидан мамнун.

Кизикarli фактлар:


*1913 йилгача аксарият тайликларнинг фамилияси бўлмаган.

*Дунёдаги энг митти қовоқкарига ўхшаш кўршапалакни фақат Таиландда учратиш мумкин.

*Мьянг Боран (Кўхна шаҳар) мамлакатнинг энг йирик очик осмон остидаги музейи ҳисобланади.

*Гиннеснинг Рекордлар китобида қайд этилишича, тай алифбоси ҳажм борасида дунёда иккинчи ўринда туради. Дунёдаги энг катта алифбо кхмерларга тегишли.

Зафар МУҲАММАД



Халқимизнинг урф-одатлари, анъана ва қадриятлари узок тарихга эга бўлиб, асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб, сайқал топмоқда.

Улар орасида, айниқса, халқ оғзаки ижодининг таркибий қисми бўлган достончилик ўзига хослиги, мавзу кўлами жиҳатидан ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Шулардан бири ҳисобланмиш ўзбек халқининг қаҳрамонлик кўшиги — "Алпомиш" достони бой тарихий маданиятимизнинг ёрқин намунасидир.

Президентимиз ташаббуси ва ғояси билан Сурхондарё вилоятининг маркази Термиз шаҳрида бнёд этилган "Алпомиш" номидagi боғ ва унга ўрнатилган ҳайкалнинг очи-лиш маросимида Ўртбошимиз Ислон Каримов шундай деган эдилар: "Алпомиш" достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз кўргонини қўриқлашга, дўсту ёримизни, орномусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади."

Достоннинг вариантлари 1922 йилдан ёзиб олина бошланган. Ҳозиргача Фозил Йўлдош ўғли, Мухаммадқул Жонмурод ўғли Пулкан, Берди бахши, Сайидмурод Панов ўғли, Бўри бахши, Бекмурод Жўрабой ўғли, Мардонакул Авлиёқул ўғли, Абдулла Нуралли ўғли, Умар бахши, Хайдар Бойча ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Қодир Раҳим ўғли каби ўттиз нафардан ортиқ достончилардан қирқча яқин вариантлари ёзиб олинган.

Бу вариантлар орасида энг мукаммал, бадий хиятдан энг юксаги Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олингани ҳисобланади. Ушбу ноб дурдонани аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи "Арт Флексо" нашриёти билан ҳамкорликда "Алпомиш" достонини янги кўринишда нашр этди.

Китобнинг ҳажми 392 бетдан иборат бўлиб, ялтироқ силлиқ қоғозда (1м² оғирлиги 150 гр) тўрт хил рангдан фойдаланилган ҳолда нашр этилган, ҳар бир бетнинг ўлчами 27х35 см.ни ташкил этади.

Юқори даражали муқова ялтироқ қоғозда 4 рангли бўёқда зарҳал босма нақшлар билан безатилган ва ламинация қилинган.

Достонни филология фанлари доктори, профессор Тўра Мирзаев тайёрлаган. Расмлар муаллифи Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбеков.

"Алпомиш" достонини ўзбек халқининг урф-одатлари, миллий қадриятлари, қаҳрамонлик тарихи ва жасоратининг бадий қомуси деб аташ мумкин. Мазкур китоб эса халқимиз руҳиятини келажак авлодга етказишда муносиб манбадир.

Д.РЎЗИЕВА



MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Тўғрилиқдан келмиш ҳамма яхши от,
Эгриликдан фойда кўрмади бир зот.

Қайда равшан бўлса тўғрилиқ нури,
Эгрилик сўнади, қурийди шўри.

РИВОЯТ

Фарзанд — ота-она зийнати

Қадим замонда бир шаҳар бошлигининг уйига меҳмонга чақирилган аёллар бирин-кетин қимматбаҳо кийимлари, зирак, узук, зебигардон каби тақинчоқлари билан роса мақтанишди.

Шу вақт одмигина кийинган ёш хотин уларнинг даврасига келиб кўшилди. Меҳмонлар бу хотин зиёфат эгасининг синглиси эканини билардилар. Лекин унинг бўйида тилла тақинчоқлар йўқлигини кўриб, ундан:

— Нега бундай кийингансиз? Зирак, узук, зебигардон каби қимматли нарсаларингиз йўқми? — деб сўрашди. У хотин:

— Менда сизнинг зеб-зийнатларингиздан ҳам қимматлироғи бор, — деди.

Меҳмонлар кўришни истаган эдилар, ёш хотин ташқарига чиқиб бир ўғил ва қизини етаклаб келди. Уларни меҳмонларга кўрсатиб:

— Менинг жонимдан ҳам азиз зебу зийнатим мана шулар. Бу дўндикларимни отамнинг болалари ёнига қўйиб, ёнингизга киргандим. Ахир, ота-она учун фарзандидан ҳам қимматлироқ нарсаси борми?

Қиссадан хисса: инсон зеб-зийнатларга эмас, сеvimли фарзандларининг тарбиясига кўпроқ аҳамият бермоғи лозим. Фикру зикри уларни одобли, ахлоқли, ғайрату шижоатли қилиб ўстиришда бўлсин. Фарзанд — ота-она кўрки, зийнати, ҳамма зийнатларнинг зийнати, бундан эсдан чиқармайлик.

БИЛАСИЗМИ?

XVI асрда Венеция республикасида майда тангалар зарб қилина бошланган. Ушанда бундай тангалар "газета" деб номланган. 1556 йили Венецияда илк бор "Хат-хабарлар" номли нашр пайдо бўлади. Унинг баҳоси бир "газета" турган. Италия тилидан кириб келган бу сўз шу-шу даврий нашрларга нисбатан қўллана бошланган.

ТУРФА ОЛАМ

Арктик қиш ҳавоси

ЧЕХИЯДА ЭКСТРЕМАЛ ТУРИЗМНИНГ
ЯНГИ ТУРИ КАШФ ЭТИЛДИ.

Кучли ҳиссиёт ишқибозлари ҳозирда мамлакатнинг жануби-ғарбига йўл олишмоқда. Улар оддий чодирларда яшаб, ҳақиқий арктик қиш ҳавосини туйишаётир. Манбада келтирилишича, Чехиянинг жану-



би-ғарбиди тоғ тизмаларида ҳарорат кечаси Цельсий бўйича -36 даражага тушиб кетаётган экан. Айниқса, Квидла посёлкасида ҳукм сураётган об-ҳаво экстремал туризм ишқибозларини янада хушнуд этмоқда. Шунинг таъкидлаш жоизки, ўтган дам олиш кунлари Чехиянинг 75 та метеостанцияси мамлакат бўйлаб ҳаво ҳарорати кескин пасая бошлаганини қайд этган.

Сув устидаги автобус

ГРЕЦИЯДА СУВ УСТИДАГИ АВТОБУСЛАР
ЯРАТИЛАДИ.

Режага кўра, мазкур лойиҳа биринчи бўлиб мамлакатнинг Солоники ва Халкис шаҳарларида амалга оширилади. Келаси йилдан бошлаб ана шу шаҳарлар оралиғида олтига, 2014 йили жами 24 та сув устида автобекатлар қурилиши мўлжалланган. Лойиҳа муаллифларининг айтишича, янги транспорт тури шаҳар экологиясини муҳофаза қилиш билан бирга, йўллардаги ноҳуш ҳолатларга чек қўяди. Қолаверса, шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари мамлакатнинг энг сўлим гўшаларига сайр қилиш имконига эга бўлишади.



Очлик — даво

МУТАХАССИСЛАР МАЪЛУМ МУДДАТГА ОЧ ҚОЛИШ
ОРҚАЛИ САРАТОННИНГ АЙРИМ ХИЛЛАРИНИ ЕНГИШ
МУМКИНЛИгини АНИҚЛАШДИ.

Уларнинг гапига қараганда, очлик ёрдамида онкологик ўсимта ўсишини тўхтатса бўларкан. Агар очлик химиотерапия билан биргаликда олиб борилса, янада яхшироқ самара берармиш. Бундай фикрга келишдан олдин олимлар кемирувчиларни очлик билан синаб кўришган. Натижада, химиотерапиясиз тутилган очлик туфайли кемирувчиларда кўкрак беzi саратони, меланома, глиома ва нейробластома каби хасталиклар ривожланишдан тўхтаган. Шу боис, олимлар саратон билан касалланган инсонларга ҳам очлик фойдали экан-да, деган хулосага келишган.



З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

КЎЗГУ

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ

Созларни соғиниб яшаш бахти

МАҲОРАТЛИ УСТАЛАРГА НАСИБ ЭТАДИ

Куй, кўшиқ шундай бир сеҳрли кучга эгаки, гоҳо энг оғир дамларда уни тинглаб, кўнгал ором олади. Кўшиқ куйлаётган хонанда овозига қанчалик маҳлиё бўлсангиз, кўлида янграётган торининг хушнавоси сизни яна бир карра мафтун этади. Дутор, най, танбур, рубоб, ғижжак ноалаларидан сел бўлмайдиған одам топилмаса керак.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, ноб санъат дурдонаси ҳисобланмиш бу чолғу асбоблари қандай яратиларкан, уларни тайёрлаш жараёни қандай кечаркан? Умуман, бу санъат асарларининг яратилиш тарихи қандай?

Нақл қилишларича, қадимда Шарқда яхши мусиқа асбоби учун от берилган экан. Шунинг ўзиёқ мусиқа асбоблари қадимдан қадрили ва бебаҳо эканлигини англатади.

Ўзбекистон ҳудудида қадимги мусиқа асбоблари ҳақида ҳикоя қилувчи археологик топилмалардан ташқари ёзма манбалар ҳам мавжуд. V-VII асрларга оид Хитой солномаларида Ўрта Осиё чолғулари тилга олинади. Жумладан, Самарқанд ҳақидаги бобда "Катта ва кичик чилдирмалар, танбур, сурнайлар бор", дейилади.

Ўзбекистонда уриб чалинадиган, пуфлаб чалинадиган ва торли чолғуларнинг турли хиллари мавжуд. Уларнинг энг машҳурлари: уриб чалинадиганлардан — доира, ногора; пуфлаб чалинадиганлардан — карнай, сурнай, най; торли чолғулардан — дутор, танбур, рубоб, чанг, ғижжак ва бошқалар ҳисобланган.

Ўзбекистонда кенг тарқалган чолғу асбоби доирадир. Ундан ўзбек рақслари, хонандаларнинг куйлаши ва турли куйлар ижросида кенг фойдаланилади.

Халқ амалий санъатининг ёрқин намунаси ҳисобланган, маданий маънавий меросимизга айланган ўзбек чолғу асбобларини ясашда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Усмон Зуфаровга етадиган уста йўқ эди. Тошкентнинг Шофайзи маҳалласида 1892 йилда таваллуд топган уста олти ёшида отасидан етим қолади. Ва онаси кўлида тарбия топади. Бир кун Усмон маҳалласидаги йигитлар кўлида оҳанг таратаётган дуторни кўриб қолади. Ундан таралаётган куй ёш йигитни оҳанрабодек ўзига тортади. Бутун вужуди билан мусикани тингларкан, дутордан кўзини узмайди. Шундан сўнг Усмон бир парча ёғоч олиб ўйинчоқ дутор ясашга киришади. Тор ўрнига от ёлидан фойдаланиб илк ишини яратади. Бу ҳақиқий дутор бўлмаса-да, ундан таралаётган овоз йигитчани шунчалик қувонтирадики, йиллар ўтгани сари

шу ишга бўлган иштиёқи сира сўнмайди. Қашқар маҳалласидаги машҳур Тош уста дутор ясашини билгач ундан шогирдликка олишини илтимос қилади. Шундай қилиб ўн икки ёшли йигитча тошкентлик уста Тошбой Султонов кўлига шогирд тушади. Саккиз йиллик оғир меҳнатдан сўнг Усмоннинг устози мусиқа асбобларини ясаш сирларини аста-секин оча бошлайди. Фақат ўн беш йил ўтганига у ўзи ясаган илк дуторини устозига кўрсатишга жазм қилади. Мукаммал яратилган санъат асарини кўрган устоз шогирдига оқ фотиҳа беради. Ўзига кераклианжомларни тўплаган уста уйда кичик устахона очади ва мустақил фаолият кўрсата бошлайди. Бу орада у ёғоч кесиш техникасини, чолғу асбоблари учун қўлланиладиган буюмларни ўрганиб чиқади.

Миллий мусиқа асбобларини ясовчи усталарнинг маҳорат сирлари "қуйловчи ёғочни" танлай олишга, қайси асбоб учун олма, ўрик, қайрағоч, ёғоқ ёки тут ёғочи мос келишини аниқлай билишига бориб тақалади.

Шу ўринда Усмон Зуфаров мусиқа асбобларини ясайдиган уста уни чалишни ҳам билиши шарт, дея ҳисоблаган. Ана шундагина мукаммал куй таратувчи асарни яратиш мумкин экан. Бундан ташқари, у ҳар бир дутори, танбурининг ташқи кўринишига алоҳида аҳамият қаратган. Ўзгал мусиқа асбобини унинг чалаётган инсонни илҳомлантира олишига ишонган.

Йиллар ўтгани сари уста ўзи ишида мукаммалликка эришди. У ясаган дутор, танбурлар бутун республика бўйлаб тарқалди. Сабаби яратилган ҳар бир буюмда унинг ўз тарихи, ўз усули ва албатта устанинг тинимсиз меҳнати яширин эди.

Усмон Зуфаров моҳир уста, меҳрибон ота бўлиши билан бирга миришкор боғбон ҳам эди. Бизга маълумки, чолғу асбоблари турли мева-дархатлардан ясалган. Уста Усмон яшаган маҳалладаги тутзорлар унинг кўли билан бунёд этилган. Ҳатто унинг каттагина боғи ҳам бор эди.

Бу ҳақда унинг ўғли Тўхтамурод Зуфаров шундай дейди: "Отанинг қўллари теккан новда тезда гул очарди. Ҳатто сайр қилиб юриб, дархатларни

кўрсалар, "Мана бу дутор косаси, мана буниси эса танбур бўлишга тайёр", дердилар. Дархатнинг бир бўлагини уларга кўрсатишнинг ўзи кифоя эди. Дарҳол "Бу дархат кўёшга қарамабди, мана буниси кун кўрган экан", деб баҳо берардилар. Мусиқа асбоблари учун ёши катта дархатларни танлардилар. Одамларнинг ёши ўтгани сари улар донишмандга айланади, дархатлар ҳам худди шундай. Шу сабаб мусиқа асбоблари учун ёши катта дархатни танлаган маъқул", дердилар.

Санъатимиз даргалари Турғун Алиматов, Юнус Ражабий, Комилжон Отаниёзовлар устанинг доимий меҳмонлари эди. Шу сабаб уста хонадониди доимо қизгин суҳбат ва куй-кўшиқ янграрди.

Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов устанинг нафақат яқин дўсти, балки қудаси ҳам эди. У шундай хотирлаганди:

— Бир кун уста хонадонига ташриф буюрганамда Усмон ака йигирма йил аввал ясалган мусиқа асбобини кўлимга тутқаздилар. "Мана шуни кўрингчи, бошқаларга кўрсатсам косаси кўпол, дўмбиллаган", деб назарга олишмади, дердилар. Мен бу танбурни еттига сим ўтказиб, созладим. Ва радио тўлқинлари орқали шу мусиқа асбобини чалиб кўрдим. Ҳамма ҳайрон бўлганча, бу қандай мусиқа асбоби эканлигига қизиқди. Уста доимо янги мусиқа асбобларини яратишга ҳаракат қилар, тинимсиз изланарди. Овози жиҳатидан ноб бўлган сато ҳам устанинг тинимсиз меҳнатлари меvasи эди.

Ўзбек миллий мусиқа асбобларининг яна бир сири шундаки, улар билан истаган жаҳон классикаси дурдоналарини чалиш мумкин.

Уста тириклигидаёқ ёғочларни тилга киритувчи уста номини олган эди. Аммо ўша давр уста ижодини тўлалигича намоён қилиш учун имкон бермаганди.

Унинг набираси Мирфайзи Усмонов бу ҳақда шундай дейди:

— Бобом ҳар бир ишга алоҳида ёндашардилар. Мусиқа асбобининг косаси, дастаси, бўғизи, сим ўраладиган қулоғи ва харраги ҳаммаси алоҳида кўлда ишланарди. Ҳатто буюмлар учун дархатлар кўлда арраланарди. Битта мусиқа асбоби учун ойлаб, йиллаб вақт сарфлардилар. Асбобларнинг ташқи кўринишига ҳам алоҳида аҳамият қаратардилар. Ҳаммасини соф садаф, суяклардан тайёрлаб ишлов берардилар. Аммо улар тириклик чоғларида мусиқа асбоблари кўргазмасини ташкил этиш, кенг оммага кўрсатишнинг иложи йўқ эди. Мустақилликка




эришганимиздан сўнг, тоғалар, жиянлар, бобом ва шогирдлари ясаган мусиқа асбоблари кўргазмасини ташкил этдик. 2002 йилда Ўзбекистон Давлат Санъат музейида ташкил этилган навбатдаги "Соз сеҳри" кўргазмаси катта шов-шувга сабаб бўлди. XVIII асрдан бошлаб то ҳозирги кунгача ясалган мусиқа асбоблари кўргазмадан жой олди. Насиб этса уларнинг шогирдлари, мухлислари эътиборига навбатдаги кўргазмани ҳавола этиш ниятидамиз. Улар бир гапни доим такрорлардилар: "Вақтни беҳудага сарфлама, ниманидир ўрган, бу кейинчалик ҳаётингга асқотади". Биз фарзандлар, набиралар шу гапга амал қилиб яшаймиз.

Ҳозирда уста яшаган уйда унинг набиралари, чеваралари истиқомат қилишади. Бу кўчага Усмон Зуфаров номи берилган. Айни дамда созгарлар сулоласининг тўртинчи авлодлари Рустам ва Равшан Алимов бобоси касбини давом эттириб, маданий меросимизни ёш авлодга етказиш ишлари билан банд. "Ясаётган созимизда камчилик сезсак, дарҳол бобомнинг ишларини кузатамиз", дейди набиралар, шунда қаерда хатога йўл қўйганимиз аниқ бўлади".

Ўзбекистон Давлат Санъат музейи, Ўзбекистон Давлат Консерваторияси қошидаги мусиқа чолғулари музейи, қатор уй музейлари ва шахсий коллекционерларда устанинг ясаган мусиқа асбоблари сақланади.

Қадимдан ўзбек халқи санъатни қадрлаб келган. Мусиқа асбоблари эса санъаткорлар учун қадри саналган. Сабаби соз воситасида ижодкорлар қайғу ҳасратларини, шодлигини ифода этганлар. Ҳаёт давом этар экан, инсонлар яшар экан, созга бўлган эҳтиёж камаймайди. Айтишларича, созгарлар ўзлари ясаган созларини соғиниб яшарканлар. Демак, уста Усмон маданий меросга айланган ва ўзи яратган созлари, миллий мусиқа асбобларида ҳамон яшамоқда.

Адиба ФАЙЗ,
"Milliy tiklanish" мухбири



ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Фолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖИДДИНОВ, Мухаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЕВОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОВОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САҚОБЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия хабри бўлими (факс): 234-01-47

Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй

Газета хабарининг чоршанба кунини чиқади.

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 219, Адади — 11367

Газетанинг баҳоси келишилган нархда

Навбатчи муҳаррир: Камолддин ҲОТАМОВ

Навбатчи: Эргаш ХУҲАЕВ

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ

Электрон почта: e-mail: milliy@sarkor.uz

Бошига топириш вақти — 21.00.

Топирилди — 23.30.